

Oroz HAIDAR

DES HIMMELS SPRINGBRUNNEN

Aphorismen

Sonette

Gedichte

Verantwortlicher Redakteur und Autor des Vorwortes:

Hans-Reinhard HÖRL

Literaturwissenschaftler

(Deutschland)

Aus dem Usbekischen ins Deutsche übersetzt von

Mirsali AKBAROV

MAJBURIY NUSXA

Karschi

«Nasaf»

2013

Ўзб-Мрағзб. узб. тил-р-ви
84(59)7-918. араб.

УЎК С65,Уз.2

КБК 94.8,Я48,5*84, 84(5Ўзб)

X 12

ISBN 978-9943-18-131-1

Ўроз ХАЙДАР

ФАЛАК ФАВВОРАСИ

*Афоризмлар
Сонетлар
Шеърлар*

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Ханс-Райнхард ХЕРЛ

Адабиётшунос (Германия)

N1 31754
1

Ўзбек тилидан немис тилига

Мирзаали АКБАРОВ таржимаси

Қарши

Alisher Navoiy «Насоф»

2013

nomidagi

O'zbekiston MK

2013/91

A 67 67

Ўроз Ҳайдар – таниқли ўзбек шоир ва адибларидан бири.

У 1957 йилда Қашқадарё вилоятининг Чирақчи туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ҳозирда “Посбон” газетасининг баш муҳаррири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бир қатор шеърӣй ва насрий асарлар муаллифи.

Кўлингиздаги ушбу китобчадан унинг қаламига мансуб афоризмлар, сонетлар ва шеърлари ўрин олган.

Шоир ижодидан берилган намуналар нафақат ўзбек китобхонлари, балки немисзабон ўқувчиларда ҳам қизиқиш уйғотади, деб умид қиламиз.

Öroz Haidar ist heute einer der bekannten usbekischen Dichter und Schriftsteller. Geboren 1957 im Tschiroqchi-Rayon der Kaschkadarja-Region, war er Absolvent der Nationalen Universität Usbekistans und ist gegenwärtig als Chefredakteur der Zeitung «Posbon» tätig.

Er ist Autor einer Reihe von dichterischen und Prosawerken.

Das vorliegende Büchlein des Dichters enthält seine Aphorismen, Sonette und Gedichte. Wir hoffen, dass es nicht nur für das usbekische, sondern auch für das deutsche Leserpublikum von Interesse sein wird.

X $\frac{4702620202-30}{376(04)2013}$ 30-2013 © У. Ҳайдар, 2013 йил.

© “Насаф” нашриёти, 2013 йил.

ISBN 978-9943-18-131-1

VORWORT

Öroz Haidar ist heute einer der vielseitigsten zeitgenössischen Schriftsteller Usbekistans.

Geboren 1957 im Tschiroqchi-Rayon der Kaschkadarja-Region, war er Absolvent der Nationalen Universität Usbekistans und ist gegenwärtig als Chefredakteur der Zeitung „Posbon“ tätig.

Schwerpunkt seines literarischen Schaffens ist das lyrische Werk. Seine Bandbreite umfasst jedoch auch eine Vielzahl an Prosaarbeiten, Aphorismen wie auch publizistische Texte. Auf der Grundlage seines Kriminalromans „Talvasa“ (Agonie) ist ein mehrteiliger Videofilm produziert worden. Sein Drama „Kechikmagan tazarru“ (Keine späte Reue) wurde im Kaschkadarja-Theater uraufgeführt.

Übersetzungen einzelner Titel erschienen in englischer und türkischer Sprache. Sein Gedichtzyklus ist ins Russische, Assamische, Tadshikische und Kasachische übersetzt worden.

Öroz Haidar ist fest in der literarischen Tradition seiner usbekischen Heimat verankert, hat sich jedoch ab 1990 zunehmend mit der Literatur und Philosophie westeuropäischer Länder auseinandergesetzt, die sein Denken und literarisches Gestalten entscheidend

verändert haben. Ideengeber wurde Federico Garcia Lorca, prägenden Eindruck hinterließen auch die französischen Existentialisten, wie Albert Camus oder Jean-Paul Sartre. Selbst ein Rückgriff auf Friedrich Nietzsche wird zur neuen künstlerischen Initiation, die sich auf die neuere Lyrik und die Aphorismen auswirkt.

Öroz Haidar hat sich inzwischen zu einer sehr individuellen, selbstständigen und ausdrucksstarken Figur in der literarischen Szene Usbekistans entwickelt. Stilmittel setzt er souverän ein, um seine literarischen Gedanken und seine Gefühlswelt in oft frappierenden Sprachbildern aufscheinen, ja aufblitzen zu lassen.

Die Aphorismen zeigen ein erfrischend befreites Denken, das sich absetzt von jeglicher Routine und gesellschaftlicher Erstarrung. Man spürt die Begeisterung, mit der er auf die lange Tradition des Sonetts zurückgreift, um sich gleichzeitig selbstbewusst zu lösen von jeglicher Formeinschränkung und selbst stark divergierende Inhalte zu einer schlüssigen Aussage bringt.

In den Sonetten wie auch den Gedichten werden traditionelle kulturelle Bezüge und literarische Bilder nie geleugnet, jedoch überraschend neu interpretiert. Das unverstellte Bekenntnis zur ganz eigenen,

unverwechselbaren Emotion und Formgestaltung leistet einen unschätzbaren, mutigen Beitrag zur Erneuerung der usbekischen Sprache und Literatur.

Sollte in absehbarer Zeit ein neuer Anlauf zu einem „West-östlichen Diwan“ gelingen, im Sinne einer respektvoll gleichberechtigten, partnerschaftlichen Begegnung europäischer und asiatischer Poesie, dürfte ein Beitrag Öroz Haidars nicht fehlen.

Dem renommierten Übersetzer und Germanisten Mirsali Akbarov ist eine außergewöhnlich einfühlsame Übersetzung der poetischen Texte Öroz Haidars gelungen. Seine große Erfahrung in der Übertragung komplexer literarischer Texte aus dem Deutschen ins Usbekische, u. a. von Goethe, Raabe, Hesse, ebenso von Brecht und Grass, erlaubt ihm bei der erstmaligen Übertragung von Haidar ins Deutsche eine sehr dichte, überzeugende Sprache. Die eigenwillige Bildwelt Öroz Haidars wird auf diese Weise sinnlich wahrnehmbar, die Übersetzung legitime und authentische Nachdichtung im besten Sinn.

Hans-Reinhard Hörl
Feldafing, März 2013

СУЗБОШИ

Ўроз Ҳайдар бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг серқирра замонавий ёзувчиларидан биридир. У 1957 йилда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ҳозирда "Посбон" газетасининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Унинг адабий ижодини асосан, лирик асарлар ташкил этади. Шу билан бирга, у бир қатор насрий ва публицистик асарлар ҳамда афоризмлар муаллифи ҳамдир. "Талваса" (Agonie) детектив романи асосида кўп қисмли видеофильм суратга олинган. "Кечикмаган тазарру" (Keine späte Reue) номли драмаси Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида сахналаштирилган.

Айрим асарлари инглиз ва турк тилларига, шеърлар туркуми эса рус, ассам, тожик ва қозок тилларига таржима қилинган.

Ўроз Ҳайдар дастлаб ўз Ватани бўлмиш ўзбеклар юртига хос бўлган анъанавий усулда ижод қилган. Бироқ кейинчалик, 1990 йилдан бошлаб, кўпроқ Ғарбий Оврупо мамлакатлари адабиёти ва фалсафаси билан қизиқа бошлади, бу эса унинг тафаккури ҳамда адабий услубини кескин ўзгартирди. Испан шеърляти, хусусан, Федерико Гарсиа Лорка назми, шунингдек, Албер Камю ва Жан-Поль Сартр сингари француз экзистенциалчи ёзувчилари ижоди

унда унутилмас таассуротлар қолдирди. Қолаверса, Фридрих Нитше асарларига мурожаат қилиши лирик ижоди ҳамда афоризмларига янгича бир бадий маъно бахш этди.

Ўроз Ҳайдар ўтган йиллар давомида Ўзбекистон адабиёти саҳнасида ўта индивидуал, мустақил, ўзига хос, ўз сўзига эга, аниқ ва таъсирчан ифода услубига эга бўлган ижодкорга айланди. Унинг ўзига хос мустақил услуби, адабий фикрлари ҳамда ҳиссиёт олами ақлни шоширадиган даражада ҳайратланарли тимсоллар, ташбеҳлар, ифода ва иборалар орқали "яқ" этиб кўзга ташланади.

Афоризмлари ҳар қандай одатдаги тартиботлар ва ижтимоий турғунликдан холи бўлган, тетиклантирадиган, куч-қувват берадиган, оромбахш, жонбахш озод, эркин тафаккурга йўғрилган бўлса, сонетларида услубий аънаналарга мурожаат қилган ҳолда ҳар қандай шаклан чекловлардан воз кечиб, кескин маъновий ўзгаришлар билан бадий ифоданинг мантиқий изчиллигига эришиш йўлидаги завқ-шавқни ҳис қилиш мумкин.

Шеърларида бўлгани каби, сонетларида ҳам аънавий маданий муносабатлар ва образли ифодалар инкор этилмайди, балки аксинча, ҳайратланарли даражада, янгича бир тарзда талқин қилинади. Ижодидаги ўзгармас, буткул ўзига хос ҳис-туйғу ва шакл услубига бўлган қатъий ишонч ўзбек тили ва адабиётининг янгиланишига дадил ва бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Алалхусус, яқин келажакда Оврупо ва Осиё поэзиясининг бир-бирига ўзаро ҳурмат асосидаги тенгҳуқуқли ҳамкорлиги самараси ўлароқ, "Ғарбу Шарқ девони"нинг янги саҳифалари битилар экан, унда Ўроз Ҳайдарнинг муносиб улуши бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Таниқли мутаржим ва олмоншунос Мирзаали Акбаров Ўроз Ҳайдар қаламига мансуб ушбу шеъринг асарларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ҳис этиб, уларни мисли кўрилмаган, фавқулодда ажойиб бир тарзда таржима қилишга муваффақ бўлган. Унинг бир бутун, бир-бирига боғланган адабий матнларни, жумладан, Гёте, Раабел, Ҳессе, шунингдек, Брехт ва Грасс асарларини олмон тилидан ўзбек тилига таржима қилишда орттирган катта тажрибаси Ўроз Ҳайдарни олмончага илк бор ниҳоятда яқин ва яққол тил билан ўгира олишига ҳам имкон берган. Шу тариқа, Ўроз Ҳайдарнинг қийиқ, ўзига хос ифода, тасвир ва рамзлар оламининг ҳиссий сезиларли бўлишига, таржиманинг эса том маънода асосли, чинакам, аслиятга мувофиқ, аниқ, тўғри ва ишончли чиқишига эришган.

Ҳанс-Райнхард ҲЁРЛ
Фелдафинг, Германия
март, 2013 йил



Hans-Reinhard Horl, geboren 1947 in Fürth, Bayern, studierte 1969-1975 Politologie, Soziologie und deutsche Literaturwissenschaft an der Universität Hannover.

Er ist Autor einer Reihe von Werken zur Politologie und Soziologie sowie zur deutschen Literaturwissenschaft.

Ханс-Райнхард Хёрл 1947 йилда Фюрт (Бавария)да таваллуд топган.

1969-1975 йилда Ханновер университетиди сиёсатшунослик, социология ва немис адабиётшунослиги ихтисоси бўйича таҳсил олган.

Сиёсатшунослик, социология ҳамда немис адабиётшунослигига доир бир қатор асарлар муаллифи.

ÜBER DEN AUTOR

Öroz HAIDAR – geboren 1957 im Tschiroqchi-Rayon des Kaschkadarja-Gebiets der Republik Usbekistan. Absolvent der Nationalen Universität Usbekistans.

Zurzeit arbeitet als Chefredakteur der Zeitung „Posbon“, die von der Verwaltung für innere Angelegenheiten des Kaschkadarja-Gebiets herausgegeben wird.

Er ist Autor von dichterischen Werken wie „Quyosh ötovi“ („Die Sonnenjurte“ (1984), „Kuylovchi toshlar“ („Singende Steine“ (1990), „Qizaloq va qizg'aldoq („Mädchen und Klatschmohn“ (1993), „Aksioma“ („Das Axiom“), „Hazilkash qish“ („Witziger Winter“ (2003), „Oq soya“ („Weißer Schatten“ (2004), „Vaqt iztirobi“ („Das Leiden der Zeit“ (2005), „Yaylovdagi oq chodir“ („Weißes Zelt auf der Weide“ (2005), „Ruhafzo“ („Lebenspendend“ (2006), „101 Sonet“ („101 Sonette“ (2010), „Kechikkan fast“ („Verspätete Jahreszeit“ (Auswahlband, 2010), „Falak favvorasi“ („Des Himmels Springbrunnen“ (2012) und Prosawerke „Talvasa“ („Agonie“ (2004), „En“ („Breite“ (2005), „Ikki ölim“ („Zwei Tode“ (2011), „Zarralar“ („Körnchen“

(Aphorismen, 2012) sowie einer Reihe von publizistischen Sammlungen.

Auf der Grundlage des Kriminalromans „Talvasa“ („Agonie“) ist ein mehrteiliger Videofilm aufgenommen. Sein Drama „Kechikmagan tazarru“ („Keine späte Reue“) wurde im musikalischen Dramentheater des Gebiets inszeniert. Die Bücher des Dichters erschienen in englischer („White shadow“) und türkischer („Beyaz golge“) Sprache.

Sein Gedichtzyklus ist ins Russische, Assamische, Tadshikische und Kasachische übersetzt und erschien in assamischer Sprache in der „Anthologie der usbekischen Poesie“, die in Indien herausgegeben wurde, sowie in der „Anthologie der usbekischen Poesie des XX. Jh.“

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ўроз ХАЙДАР—1957 йил 8 апрел куни Чирокчи туманида туғилган. ЎзМУни тугатган. Ҳозирги кунда "Посбон" газетаси бош муҳаррири. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Энг улуг, энг азиз" республика анъанавий танловининг голиби(2008). Унинг "Қуёш ўтови"(1984), "Куйловчи тошлар (1990), "Муסיқор"(1993), "Қизалоқ ва қизғалдоқ"(1993), "Ҳазилкаш қиш", "Аксиома"(2003), "Оқ соя"(2004), "Вақт изтироби"(2005)", "Яйловдаги оқ чодир"(2005), "Рухафзо"(2006), "101 сонет"(2010), "Кечиккан фасл" (сайланма, 2010), "Фалак фаввораси" (2012) шеърйи ва "Талваса" (2004), "Эн"(2005), "Икки ўлим" (2011), "Зарралар" (2012) насрий асарлари чоп этилган. Бир нечта публицистик тўпламлари нашр қилинган. "Талваса" детектив романи асосида кўп қисмли видеофильм суратта олинган. "Кечикмаган тазарру" драмаси вилоят муסיқали драма театрида сахналаштирилган. "White shadow"(инглиз), "Beyaz golge" турк тилида китоблари чоп этилган. Бир туркум шеърлари рус, ассам, тожик, қозоқ тилларига таржима қилинган. Ҳиндистонда нашрдан чиққан "Ўзбек шеърйати антологияси"да ассам тилида ва "XX аср ўзбек шеърйати антологияси"да бир туркум шеърлари ўрин олган.

ЗАРРАЛАР – К Ö R N C H E N

* * *

Ҳикматлар минбарда туғилмайди.

Die Aphorismen werden nicht auf der Tribüne geboren.

* * *

Бахтсизлик – бахт ибтидоси, бахт – бахтсизлик интиҳоси, умр эса улар ўртасида сарсон, овора.

Das Unglück ist der Anfang des Glücks, das Glück – des Unglücks Ende und das Leben irrt zwischen ihnen umher.

* * *

Каламушнинг ўлиги ҳам ўлат ташийди.

Auch eine tote Ratte trägt den Seuchenkeim.

* * *

Таназзул – ўзини тушунишга чоғланаётган одам.

Der Verfall – ein Mensch, der gedenkt sich selbst zu begreifen.

* * *

Кўрқинчлидир қорни тўқлар очлиги.

Furchtbar ist Hunger der Satten.

* * *

Чохдаги одам қиблани унутоди.

*Wer in der Grube liegt, vergisst den Qibla.**

* * *

Муҳаббат – қақраган қалбнинг орзуси; нафрат
– аламли оҳнинг доғуси.

*Liebe ist Traum einer dürstenden Seele; Hass –
Hilferuf des kummervollen Stöhnens.*

* * *

Эрк – ўлаётган қирол кўзидаги ёш.

Freiheit – Träne im Auge des sterbenden Königs.

* * *

Муҳаббат – ўлим чечаги, нафрат – ҳаёт
чалчиги.

*Liebe – Blume des Todes, Hass – die Schmutzlache
des Lebens.*

* * *

Хурлик ҳадя этилмайди, ҳадя этилган хурлик
ярим мутелиқдир.

*Die Freiheit wird nicht geschenkt, die
geschenkte Freiheit ist halbe Unterwürfigkeit.*

**Qibla – die Seite, nach der sich die Mohammedaner
während des Gebets richten.*

* * *

Бахтнинг юки енгил, йўли оғир.
*Des Glückes Last ist leicht, aber der Weg zum
Glück – schwer.*

* * *

Тобутсозга тобут етмаган.
Dem Sargmacher fehlt es immer an Sargen.

* * *

Қумдан тоғ ясар Сўзнинг залвори.
Des Wortes Schwere verursacht Berge aus Sand.

* * *

Қалб ҳайқирганида вужуд соқовдир.
Ruft die Seele, ist stumm der Leib.

* * *

Одам пайдо бўлганидан бери ўзи ўтирган
дарахт илдизини чапиш билан банд.
*Der Mensch beschäftigt sich seit seiner
Entstehung nur damit, den Ast des Baumes
abzuschneiden, auf dem er selbst sitzt.*

* * *

Илтижо – қалбдан очилган сабр.
Das Flehen – Geduld, die man im Herzen hat.

Маккор ҳаёт алдаса сени,
ёлғиз умид сенга халоскор.

*Wenn das heimtückische Leben dich betrügt, ist
Hoffnung die Retterin allein.*

Турғунлик – оловда музлаган сув.
Der Stillstand – im Feuer gefrorenes Wasser.

Севсанг ажина ҳам кўзингга фаришта
кўринади.

*Wenn man liebt, erscheint auch die Hexe einem
Engel gleich.*

Нимаки ўз моҳиятига бекинса, у Ишқ сари
йўл очади.

*Wer sein Wesen verbirgt, bahnt sich den Weg zur
Liebe.*

Эрксиз одам – сотилар буюм,
Уни ҳар ким харид этажак.

*Ein Mensch ohne Freiheit – ein käufliches Gut,
das jeder erwerben kann.*

1

2013/94
A 6767

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

* * *

Хаёт беморликми? Сукрот ҳақ. Хаёт – қазилмаган, бегона лаҳад.

Ist denn das Leben Krankheit? Sokrates hat recht. Das Leben – noch nicht gegrabenes, fremdes Grab.

* * *

Тўда яратишга эмас, томошага ўч.

Der Menschenhaufen schafft nicht, sondern ist nur schaulustig.

* * *

Йўқсил йўқотганида йўқсиллигини йўқотади.

Verliert der Arme etwas, so verliert er nur seine Armut.

* * *

Хаёт – ечими йўқ жумбоқ ва тугун.

Das Leben – Rätsel und Knoten ohne Lösung.

* * *

Фақат куйлаганида қуш ҳам унутар тутқунлигини.

Beim Singen vergisst auch der Vogel seine Gefangenschaft.

* * *

Хотира – парчинланмайдиган кўзгу.

Andenken ist ein Spiegel, der nicht zerbricht.

* * *

Муҳаббат кучи оламнинг тортилиш кучидан кучли.

Die Liebe ist stärker als die Erdanziehungskraft.

* * *

Дунё – қуш бозори, харидинг шовқин.

Die Welt – ein Vogelmarkt, auf dem dein Einkauf die Lärmkulisse ist.

* * *

Муҳаббат – ёлғизлик дояси.

Die Liebe ist die Hebamme der Einsamkeit.

* * *

Сўз – фуқаролиги йўқ фуқаро.

Das Wort – ein Bürger ohne Staatsbürgerschaft.

* * *

Маддоҳбозлик урчиган жойда ҳамма нарса ҳаракатдан тўхтайдди. Ер ҳам.

Wo die Lobpreisung sich vermehrt, hört alles auf, sich zu bewegen. Auch die Erde.

* * *

Ҳаракатда ҳаракатсизлик мавжуд,
ҳаракатсизликда – ҳаракат.

*In der Bewegung ruht die Bewegungslosigkeit,
in der Bewegungslosigkeit – die Bewegung.*

* * *

Шайтоннинг онаси ҳам, отаси ҳам йўқ. Ҳар
кимнинг бошпанасини бошпанам, деб ўйлайди.

*Der Teufel hat weder Mutter noch Vater. Er hält
jedermanns Dach für sein Obdach.*

* * *

Макр – йўлбарсни турли мақомда ўйнатувчи
қамчидир.

*Die Tücke ist eine Peitsche, die den Tiger auf
verschiedene Art und Weise tanzen lässt.*

* * *

Тангри қамчисидан туғилгандирмиз,
Ўйинин ўйнашга маҳкуммиз мангу.

*Geboren von der Peitsche des Gottes, sind wir
verdammte dazu, seine Spiele auf ewig zu spielen.*

* * *

Йўлбарснинг сувратига боқиб ҳам ўзингизни
ботир сезасиз.

*Auch beim Anschauen des Tigerbildes fühlt
man sich mutig.*

* * *

Қиз кўнгли кўзгу. Бир томчи ёшдан тиниқлашади.
Тош отсанг чил-чил синади.

*Die Madchenseele ist wie ein Spiegel. Wird von
einer Träne klar. Und zerbricht vom Steinwerfen in
Scherben.*

* * *

Ҳаёт томошагохдир. Томашабин ҳам, томоша
кўрсатувчилар ҳам ўзимиз.

*Das Leben ist ein Theater. Wir sind beides: sowohl
Schauspieler als auch Zuschauer.*

* * *

Тепкилаб-тепкилаб тафин Ердан паноҳ
тилаймиз.

*Wir zerstampfen die Erde und bitten um ihren
Schutz.*

* * *

Итнинг катагига бош сукмайди Шер.

*Der Lowe steckt nicht den Kopf in die
Hundehütte.*

* * *

Никоҳдаги аёлинг билан эллик йил турмуш қуриб ҳам бегонадай яшашинг мумкин. Яшаш – ўзинг билан қурашишдир.

Mit deiner Ehefrau kannst du fünfzig Jahre zusammenleben und ihr dennoch fremd bleiben. Leben heißt kämpfen mit sich selbst.

* * *

Оила – икир-чикирларга тўла эски жомадон. Очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди.

Die Familie – ein alter Koffer voller Kleinigkeiten. Wenn man auspackt, kann man nicht mehr einpacken.

* * *

Нитше – Оврупанинг юраги, Шарқнинг кўзи.
Nietzsche – Herz Europas, Auge des Ostens.

* * *

Сукрот доноликни ёзма манбада эмас, ўз овозида ифодалади. Овозни ўғирлаб бўлмайди.

Sokrates brachte die Weisheit nicht schriftlich, sondern mündlich zum Ausdruck. So kann sie nicht gestohlen werden.

* * *

Сукрот оғу ичди, Цицероннинг боши ва қўли
чопилди, Сенека шоҳ томирини ўзи кесиб ҳаёт
билан видолашди. О, даҳоликнинг аччиқ қисмати!
Даҳолик – ҳалокатдир.

*Sokrates trank Gift, Cicero wurden Kopf und
Arme abgeschnitten, Seneca öffnete sich selbst die
Adern, verabschiedete sich so vom Leben. O, des
Genies bitteres Schicksal! Genie ist Untergang.*

* * *

Донолик – даҳоликнинг туғилиши.

Даҳолик – доноликнинг қурбони.

Weisheit – Geburt des Genies.

Genie – Opfer der Weisheit.

* * *

Вайсақилик – кумга қуйилаётган сувдир.

Das Geschwätz – Wasser, das man auf Sand gießt.

* * *

Тупроқда ҳамма нарса чирийди, темир ҳам.
Тош эса улғаяди, тоққа айланади. Тош – фалак
тегирмони, янчишга қодир, у оламни дон деб
ўйлайди.

In der Erde wird alles verfaulen, auch das Eisen.

*Und der Stein blüht auf, verwandelt sich in Gebirge.
Stein – des Himmels Mühle, er halt die Welt für Korn
und fähig, es zu dreschen.*

* * *

Идрок билан севсанг ақлинг чўридир,
Нафрат-чи, оёқдан қолган бўридир.
*Liebst du vernünftig, dient dir der Verstand. Der
Hass – ein Wolf, der nicht mehr gehen kann.*

* * *

– Дунё нима?
– Тиланчи.
– *Was ist die Welt?*
– *Eine Bettlerin.*

* * *

Фақат умидгина бахтиёрлик ваъда этади.
Nur die Hoffnung verspricht Glückseligkeit.

* * *

Чумали ютоққанда унга дон тоғ бўлиб
кўринади. Данни судраётганда тоғни судраяпман,
деб ўйлайди.

*Wenn die Ameise Hunger bekommt, erscheint ihr
das Korn wie ein Berg. Und beim Schleppen des
Kornes glaubt sie, einen Berg zu schleppen.*

* * *

Ёвузлик бўрининг қурсоғида туғилади.
Der Gräuel wird im Bauch des Wolfes geboren.

* * *

Золимлик палак отган ерда гувоҳ йўқотилади.
Dort, wo die Willkür einzieht, werden die Zeugen vernichtet.

* * *

Сархушлик майдан кайф бўлиш эмас, ақлнинг
фалажланиши ҳамдир.
Der Rausch ist nicht nur Trunkenheit, sondern auch Lähmung des Geistes.

* * *

Ҳақиқат худонинг ўзидир. Биз уни юзма-юз
учратмаймиз. Биз адолат билан бажарган ҳар
бир юмушда у пайдодир.
Die Wahrheit ist der Gott selbst. Wir können Ihm nicht Auge in Auge begegnen.
Bei jedem Vorhaben, das wir gerecht ausführen, kommt Er zum Vorschein.

* * *

Тўғри сўзлаш ҳам санъат.
Richtig sprechen ist auch Kunst.

* * *

Ҳаёт-мамот туташган жойда муҳаббат пайдо бўлади.

Dort, wo Leben und Tod sich verbinden, entsteht die Liebe.

* * *

Тезроқ кексайишни истайдиган киши — умидсиз одамдир.

Jemand, der schneller alt werden will, ist ein hoffnungsloser Mensch.

* * *

Барча номаълумлик маълумлик ҳосиласидир.
Die ganze Unbekanntheit ist das Ergebnis der Bekanntheit.

* * *

Даҳолик инкорнинг инкор қонунида юзага келади.

Das Genie entsteht durch das Gesetz Negation der Negation.

* * *

Ўзидан қўрқмаган одам қиёматдан қўрқмайди.
Wer sich vor sich selbst nicht fürchtet, hat keine Angst vor dem Gerichtstag.

* * *

Икки турдаги кўрқоқлик бор: бири итоатгўйликдан, иккинчиси эса ақллиликдан.

Es gibt zwei Arten der Feigheit: eine ist pure Gehorsamkeit, die andere – ausschließliche Vernunftigkeit.

* * *

Рақамларда ранг ва оҳанг йўқ. Бир-бирини тўлдириш ва такрорлаш учун тартиб бор.

Die Ziffern haben keine Farbe, keine Harmonie. Ihnen wohnt die Ordnung inne, damit sie einander ergänzen und wiederholen.

* * *

Ноҳақликдан тўкилган бир томчи ёш ерни силкитиб юборади.

Eine aus Ungerechtigkeit vergossene Träne erschüttert die Erde.

* * *

Меҳр – қучилмаган аёл.

Liebe – die nicht umarmte Frau.

* * *

Кимдир менга зимдан тиш қайрайди. Аслида бу хусумат менга эмас, истеъдодимга қаратилган.

*Irgendjemand hat mich heimlich auf der
Abschussliste. Eigentlich wird diese Feindschaft
nicht gegen mich, sondern gegen mein Talent gehegt.*

* * *

Кин-адават кўпган муҳитда кенглик тораяди,
ер ўз вазнини йўқотади.

*Dort, wo Feindseligkeit und Missgunst
herrschen, wird die Weite enger und die Erde verliert
an Gewicht.*

* * *

Сен ўз нигоҳингни тикиб ҳеч нарса
толмадингми, унда Арасту нигоҳи ила бақ.
Барибир, ниманидир топасан. Жилла қурганда,
ўзингни...

*Falls du mit eigenem Blick nichts gefunden hast,
schau mit dem Blick von Aristoteles. Etwas wirst du
sowieso finden: wenigstens, dich selbst.*

* * *

Тоғларнинг парвози қоядан учган тошда
кўринади.

*Der Flug der Berge zeigt sich im Stein, der vom
Felsen hinunterstürzt.*

* * *

Хусумат – йўргак кўрмай ўсган бола.
Gehässigkeit – ohne Liebe aufgewachsenes Kind.

* * *

Адабиётдаги ёлғон гадонинг бойга
садақасидир.

*Die Lüge in der Literatur ist das Almosen des
Bettlers für den Reichen.*

* * *

Кўлмақда фақат итбалиқ урчийди.
In der Pfütze vermehrt sich nur die Kaulquappe.

* * *

Қуёш ботаётганидагина унга тик қараш
мумкин.

*In die Sonne kann man erst bei ihrem Untergehen
schauen.*

* * *

Дарё қирғоғини йўқотгандан кейингина
кутуради, чексиз офат келтиради.

*Der Fluss tobt und bringt Unglück erst dann,
wenn man das Ufer verlässt.*

* * *

Яхши ит ўз ўлигини кўрсатмайди.
Ein guter Hund zeigt nicht seinen Kadaver.

* * *

Шўр сув ичиб ўрганган одамга булоқ суви тахир туюлади.

Dem, der es gewohnt ist, salziges Wasser zu trinken, scheint das Quellwasser herb zu sein.

* * *

Чўпон таёғини уй шифтида асрайди.
Der Hirt bewahrt seinen Stock an der Zimmerdecke auf.

* * *

Мухтожлик – энг бузгунчи хотиндир. У ҳаммани бузади.

Die Not ist eine Intrigantin. Sie verdirbt alles.

* * *

Қашшоқлик – чирик олма. Уни еганда ҳузур топмайсан.

Elend – ein fauler Apfel. Macht kein Vergnügen.

* * *

Аёл муҳаббати улғайтиради.
Die Liebe einer Frau lässt erwachsen werden.

* * *

Севган аёлинг исмини такрорлашдан туйган
завқ – ҳаёт қўшиғидир.

*Die Freude, die du am Wiederholen des Namens
deiner geliebten Frau hast, ist dein Lebenslied.*

* * *

Энг серқаҳр аёлга ҳам севаман десанг,
жилмайишига рағбат уйғотасан.

*Auch die zornigste Frau kannst du zum
Lächeln bringen, wenn du ihr sagst: Ich liebe dich.*

* * *

Ваҳима – қўрқувнинг дебочаси.

Panik – das Vorspiel der Angst.

* * *

Инсон йўқотган нарсасини кўпроқ соғинади.
*Der Mensch sehnt sich mehr nach dem, was er
verloren hat.*

* * *

Бефаҳмлик – ландовур шаҳзода.

Stumpfsinnigkeit – tölpelhafter Jüngling.

* * *

Никоҳ – тартиб калити.

Ehe – Schlüssel zur Ordnung.

* * *

Севган ва севилган одамгагина ҳамма нарсада
наво бор, куй бор, ҳатто сукунатда ҳам.

*Für einen Liebenden und Geliebten gibt es in
allem eine Melodie, sogar in der Stille.*

* * *

Юрак – инсон ҳаётининг эҳроми.
Herz – Pyramide des menschlichen Lebens.

* * *

Низо – парчинланиш нишонаси.
Zwietracht – Merkmal der Vernichtung.

* * *

Моҳият – мазмунсизликни тўлдиргувчи
мазмун.

Wesen – die Inhaltslosigkeit ergänzender Inhalt.

* * *

Истибдод ҳукм сурган маконда тоғлар чўқади.
*Dort, wo Willkür herrscht, versinken sogar
Berge.*

* * *

Бемор устидан кулиш беморликдир.
Es ist krank, einen Kranken auszulachen.

* * *

Сохта эркинлик – башанг кийинган
шармисорликдир.

*Falsche Freiheit – elegant gekleidete
Schamlosigkeit.*

* * *

Орзу – етуклик шаҳодатномаси.

Wunschtraum – Reifezeugnis.

* * *

Дунёда ягона ҳузурбахш хасталик – бу китоб
мутолааси.

*Bucherlesen – in der Welt einzige erquickende
Krankheit.*

* * *

Мажлисбозлик – бекорчиликнинг ўзгинаси.

*Zwanghafte Sitzungsaktivität ist nichts anderes
als Müßiggang.*

* * *

Ақлли саркарданинг ёлғиз ўзи катта қўшиндир.

Der kluge Feldherr ist selbst ein großes Heer.

* * *

Биргина жонивор – бўригина ор-номусини
сотмайди.

*Ein kluges Tier – der Wolf verkauft nicht seine
Ehre.*

* * *

Ҳар қандай эўравонлик замирида кўрқоқлик
ётади.

Jeder Gewalt liegt Feigheit zugrunde.

* * *

Тажриба – ҳаёт ўйини.
Erfahrung – ein Lebensspiel.

* * *

Сен шундай бахтга эришгинки, бундан ҳамма
хайратлансин.

*Mach dein Glück so, damit es alle in Erstaunen
versetzt.*

* * *

Фикр – посанги тоши. Шу тошгина ҳаёт
мувозанатини сақлайди.

*Der Gedanke ist Gegengewicht. Er bewahrt das
Gleichgewicht des Lebens.*

* * *

Муте одам эркинликда ҳам бандидир.
*Der Unterwürfige ist ein Gefangener auch in der
Freiheit.*

* * *

Ўзга тилларни ўрган, аммо ўз тилингни унутиб,
ўларга ўз мулкиннга қарагандай қарама. Чунки
ўз тилини севган ўзга тилларни сева билади.

Lerne fremde Sprachen, aber vergiss nicht deine Muttersprache. Wer seine eigene liebt, kann auch andere Sprachen lieben.

* * *

Алжираш – қашшоқликка мадҳиядир.
Unvernunft – Hymne der Gleichgültigkeit.

* * *

Ҳасад – кўр илон, дуч келганни чақади.
Neid – blinde Schlange, beisst den ersten Besten.

* * *

Ҳазина сенинг ўзингдир.
Schatzkammer – bist du selbst.

* * *

Ҳоҳиш – Эркнинг энагаси.
Wunsch – Ernährerin des Willens.

* * *

Дунё – карвонсарой. Бу ерда муқим кўналға йўқ. Уни мангу кўналға этаман деганлар янглишади.

Die Welt ist eine Karawanserei. Sie ist keine ständige Raststätte. Man irrt, wenn man sie in eine ewige Raststätte verwandeln will.

* * *

Сўзни зўрлаш – кечирилмас ҳақоратдир.
*Das Wort Nötigung ist eine unverzeihliche
Beleidigung.*

* * *

Ишқибозлик – иккинчи даражали қаҳрамон.
Leidenschaft – zweitrangiger Held.

* * *

Кинода қаҳрамон дарров кўзга ташланади,
хаётда оммадан яширинади.
*Im Film fällt der Held schnell auf, aber im Leben
versteckt er sich vor den Massen.*

* * *

Шиорлар кўзни қитиқлайди, қалбни эмас.
Die Losungen reizen die Augen, nicht das Herz.

* * *

Ҳаммани бир куйга жўровоз бўлишга ундаш
дахрийликдир.
*Der Aufruf an alle, eine Melodie mitzusingen, ist
Atheismus.*

* * *

Ҳаётга муҳаббат – аёлга муҳаббатдан
бошланади.
Lebensliebe beginnt mit der Liebe zu einer Frau.

* * *

Узоқ туриб қолса, қор ҳам қуртлайди.
*Wenn er zu lange liegen bleibt, wird auch der
Schnee matschig.*

* * *

Навоий – даҳолик ёмбиси.
Nawoi – des Genies Gold in Barren.

* * *

Баҳона – тартиббузарлар хиргойиси.
Ausrede – halblautes Singen der Ordnungsstörer.

* * *

Омад юз ўгирганда қил ҳам соя ташлайди.
Im Unglück hat selbst das Haar einen Schatten.

* * *

Чала хулоса – мағлубият сиртмоғи.
*Unfertige Schlussfolgerung – Schlinge der
Niederlage.*

* * *

Сен ўзинг учун яшай билмадингми, ўзгалар
учун ҳам яшай билмайсан.
*Wenn du für dich selbst nicht zu leben weißt,
kannst du auch nicht für andere leben.*

* * *

Ит оч қолганида қоғоз чайнайди.

Der Hund kaut Papier, wenn er hungrig bleibt.

* * *

Муҳаббатнинг юки оғир, ер кўтара олмайди.
Фақат қалб кўтармакка қодир.

Die Last der Liebe ist schwer, sogar die Erde kann sie nicht tragen. Dazu fähig ist nur das Herz.

* * *

Ўз илдизини қучиб қурийди дарахт.

Der Baum vertrocknet im Schoße seiner Wurzeln.

* * *

Саёз сувда балиқ батмас.

Im seichten Wasser schwimmen keine Fische.

* * *

Табассум – меҳр тухфаси.

Lächeln – Gabe der Liebe.

* * *

Бўм-бўш тахт ҳам юракда ваҳима уйғотади.

Auch beim Anblick eines leeren Throns gerät man in Panik.

* * *

Кутилган хавфдан кутилмаган хавф одамларни
бир-бирига яқинлаштиради.

*Unerwartete Gefahr schweißt die Menschen mehr
zusammen als absehbare Gefahr.*

* * *

Қалби қулликка тутқун киши разиллашади.
Ein sklavisches Herz wird gemein.

* * *

Сохта мўминлик – сабр кушандаси.
Falsche Frömmigkeit vernichtet die Geduld.

* * *

Инсоннинг худбинлиги Тангрига қарши
исёнида аёнроқ кўринади.

*Die Selbstsucht des Menschen kommt in seinem
Aufbruch gegen Gott klarer zum Vorschein.*

* * *

Яшаш ҳам, яшаш учун кураш ҳам муқаддас
вазифа бўлиб, ўзимизни ўзлигимиздан хушёр
бўлишга ундайди.

*Sowohl Leben als auch Lebenskampf als heilige
Aufgaben rufen uns auf, immer wachsam zu sein.*

* * *

Изтироб чекаётган қалб Қалбдир.
Ein leidendes Herz ist ein richtiges Herz.

ФАЛАК ФАВВОРАСИ

Сонетлар

ИБОДАТ

Гойиб бўлсам, Искандардай гойиб бўлай,
Тутма менга зарбоф тўн, ё жулдур кийим.
Бу дунёнг-ку, растангдаги кўхна буюм,
Қулашимни истасанг гар тоғдай қулай.

Жарликлардан учиб ўтгум иншо эт, ҳай,
Отилмас тош қанотимни синдирсин жим.
Чақмоқларда қолдирайин нурсиз умрим,
Изсиз кетсанг, изингга из бўлиб, ёнай.

Қўшиқ тўқий сукунатнинг шивиридан,
Жарангласин Вақт тулпорин мовий ёли.
Кўз очайин қор учқуни сас- сиридан.

Ҳузурингга қайтур гадо шоҳ мисоли,
Майли, ҳеч ким тик турмасин ўз гўридан,
Ҳужрам бўлсин, ҳам маҳрамим — ўй- хаёлим.

DES HIMMELS SPRINGBRUNNEN

Sonette

GOTTESDIENST

*Wenn ich schwinde, will ich schwinden wie
Alexander,
Gib mir keinen Brokatmantel, keine abgetragene
Kleidung.
Diese Welt ist doch ein uraltes Ding auf deinem
Markt,
Wenn du willst, werde ich wie ein Berg stürzen.
Die Abgründe werde ich überfliegen, merke dir das, he,
Möge der ungeworfene Stein mir die Flügel brechen,
still.
In den Blitzen hinterlasse ich mein Alltagsleben,
Wenn du spurlos schwindest, brenne ich als deine
Spur.
Ein Lied komponiere ich aus dem Geflüster der Stille,
Möge klirren die blaue Mähne des Flugelpfers der Zeit
Tu die Augen auf vom Schall und
Geheimnis der Schneeflocken.
Zu dir kehrt der Bettler wie ein König zurück,
Gut, möge niemand aufstehen aus seinem Grab,
Möge meine Klausen sein –
Sowohl Vertrauter als auch Gedanke für mich.*

ТУШДАН КЕЙИНГИ ҮЙ

Сизга аччиқ қилиб не топдим бугун,
Куппа - кундуз йўлим йўқотдим нохос.
Ўзимдан ўзимни этдимми халос
Ўз эккан ниҳолим ўзим чопган кун?!

Осмонни қоғоздай ёқдим бенигун,
То мавий тўрига илинмай деб рост.
Барча забт этган довонни, бехос,
Забт этмоқ куйида адашдим, дилхун.

Сизга аччиқ қилиб йўқотдим кўзгум,
Кўрпамга ўт кўйдим, йўқ эди бурга.
Сиз ҳам анойимас, олмасдан улгум,

Яна мени менсиз тиқибсиз гўрга.
Яна ажабланиб қарайсиз атай,
Формас, гўрдан тирик қайтган одамдай.

GEDANKE NACH DEM TRAUM

*Was habe ich heute gefunden, indem ich auf Sie böse war,
Bei hellichem Tag habe ich meinen Weg verloren.
Habe ich mich nun von mir selbst befreit –
Indem ich das junge Bäumchen abhackte, das ich
selbst gepflanzt?!*

*Den Himmel habe ich wie Papier verbrannt,
Um ihm nicht ins Garn zu gehen.
Den Gebirgspass, den alle eroberten,
wollte auch ich erobern und habe mich verirrt.*

*Ich war Ihnen böse und verlor mein Spiegelbild,
Habe meine Decke verbrannt, nicht einmal ein Floh
war darin.
Sie sind klug, haben mich nicht zum Vorbild
genommen,
Sie haben mich wieder ohne meine Seele ins Grab
gebracht.*

*Bewusst sehen Sie mich noch verwundert an,
Wie einen, der am Leben geblieben
Nicht in einer Höhle, sondern im Grab.*

* * *

Мен сени севардим –бор-йўқ айбим шу,
Севгимда йўқ эди зарра иддао.
Видолашув чоғи – жон этиб инъом,
Ўйлардим ағзимга у томизар сув.

Бари тамом! Бари рўёдир – гулу,
Шар ҳавога учди, ёрилди тамом.
Юлдузларга дегим совуққон: – Салом!
Яланғоч Ойга ҳам боқмайман – жоду.

Суйиб эркалаган чоғ ёринг, албат,
Сенга гўдак каби боқиши аён.
Ҳатто тошларда ҳам уйғотар ҳайрат,

Меҳрдан пакланган нигоҳлар шу он.
Ҳамманинг қўлида мен бўлдим эрмак,
Бўм-бўш чизикларда титрайди юрак.

* * *

*Ich liebte dich – das war meine ganze Schuld,
In meiner Liebe gab es keinen ungerechtfertigten
Anspruch.*

*Ich dachte, dass sie mir zum Abschied,
Tropfenweise Wasser gießen wird in den Mund.*

*Alles vorbei! Alles ist Traum – Verwirrung,
Der Ballon flog in die Luft – platzte.
Kaltblütig sage ich zu den Sternen: Adieu!
Auch auf den nackten Mond blicke ich nicht
zurück.*

*Beim Lieblosen schaut auf dich
Deine Geliebte wie ein unschuldiges Kind.
Mit Blicken, die gereinigt sind von der Liebe,*

*Versetze in Erstaunen sogar die Steine.
Da wurde ich zur Zielscheibe des Spotts,
Wie in leeren Strichen zittert das Herz.*

* * *

Қандай оғир ичмоқ ишқсизлик майин,
Ватансиз кимсадай атрофга бақмоқ.
Севги мактубини оловда ёқмоқ,
Қуёшга пичинг-ла жилмаймоқ майин.

Ўзингни ҳам илк бор учратгандайин,
Худди бегонадай қаршилаган чоғ.
Иблисми, у дунё қилганидек оқ –
Мавҳумот ўйлардан қочамиз тайин.

Тирик чоғи бир бор эъзоз топмай, бас,
Нечун марҳумларга қилурмиз ҳавас.
О, ишқсизлик майи – дажжол оғуси,

Аждар оғзидаги ўтни сўндиргунг.
Қўзғатиб заминнинг кўҳна қайғусин,
Пахта чаноғида тошни ундиргунг.

* * *

*Wie schwer, den Wein der Lieblosigkeit zu trinken,
Wie ein Heimatloser umher zu ziehen.
Den Liebesbrief im Feuer zu verbrennen,
Ironisch auf die Sonne zu schauen.*

*Wie du dir selbst zum ersten Mal,
Wie ein Fremder begegnet bist.
Wie ein Teufel, vom Jenseits verdammt –
Abstrakte Gedanken vermeiden wir.*

*Bei Lebzeiten keine Achtung genossen,
Warum beneiden wir die Toten.
O, der Lieblosigkeit bitterer Wein – Gift des Satans,*

*Willst das Feuer im Rachen des Drachens löschen.
Und auf der Baumwollkapsel Steine züchten,
Der Erde uraltes Leid erregend.*

* * *

Хаёт, ниқтамагин чўбин отингни,
Унда қанот йўғ-у, учади, бироқ.
Қора кунларингга ёқмайди чироқ,
Сўраб ҳам ўтирмас насаб-зотингни.

Бесабр қалб билан излаб ботинни,
Даъваткор исёнга талпиндим ҳар чоқ.
Бунда шон қуллари ухлайди уйғоқ,
Умидсиз шовқин деб бор бисотингни.

Нафосатнинг олис оташ жаранги,
Ишқ сувида поклар ғамгин оҳангни.
Мунис чеҳраларда ёниқ ҳаловат

Ва қайноқ орзулар қанотланур бат.
Маҳрум эт севгидан, қилмагил шафқат,
Мен сени севаман, барибир, Хаёт!

* * *

*Leben, treib dein gemeines Pferd nicht an,
Obwohl es keine Flügel hat, fliegt es doch.
Zünde kein Licht an für deine schwarzen Tage,
Frag auch nicht nach deiner Herkunft.*

*Ich suchte ungeduldig nach dem Innersten,
Und gelangte immer zu aufhetzendem Aufruhr.
Drin schlafen die Sklaven des Ruhmes und der Ehre,
Alles in allem ein hoffnungsloser Lärm.*

*Der Zärtlichkeit ferner flammender Klang,
Reinigt im Liebeswasser traurige Melodie.
In intimen Gesichtern begeistern sich*

*Feurige Ruhe und lebhaft Träume.
Entzieh mir die Liebe, auch das Mitgefühl,
Ich liebe dich sowieso, Leben!*

* * *

Исмингни атасам тилим лахча чўғ,
Сени севмак учун лозимми фармон.
Шивирлай дейман-у, етмайди дармон,
Йиғлайман-у, ажаб, кўзимда ёш йўқ.

Ҳавони чайнайман – бўғзим тўла буғ,
Хаёлда юлдуздан ясайман маржон.
Оғзим қон, кўксим қон, сирқирайди жон,
Ичимда ҳилпирар, лекин қутлуғ туғ.

Исмингни айтгил деб ёлворар кўзим,
Бир четда зулукдай қон қусар сўзим.
Севилмакдан махрум этилдим ўзим,

Борлиғим чулғади оловли нафрат.
Кимники, нафратдан очилса кўзи,
Муҳаббатдан кўзи юмилар, албат.

* * *

*Ich nenne deinen Namen voller Glut,
Bedarf denn deine Liebe eines Befehls.
Mochte dir flüstern, bin aber kraftlos,
Ich weine, sonderbar, ohne Tränen.*

*Die Luft kaue ich – Kehle voller Dampf,
Im Traum mache ich Glasperlen aus Sternenstaub.
Mir tut der ganze Körper weh,
Aber in mir weht ein heiliges Banner.*

*Meine Augen flehen um deinen Namen,
Viel gelitten hat mein liebes Wort.
Die Verliebtheit wurde mir entrissen,*

*Feuriger Hass ergriff mich völlig.
Wem nun der Hass die Augen öffnet,
Dem werden sie von der Liebe verschlossen.*

* * *

Қисматимиз кечар икки йўл аро –
Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Қутб бўлолмас.
Муҳаббат ўлпонин банда тўлолмас,
Ишқ юртида бизлар ғариб фуқаро.

Севсам дор кутади, севмасам-чи, чоҳ,
Икки қутб аро оҳ урмоқ абас.
Қутби йўқ ошиқни гадо сийламас,
Қачон жунун бошин силаган подшо?

Жин ялаган дунё қақшаб боқадир,
Кўз ёшинг қуритиб, хунинг ёқадир.
Қуёш ҳам оҳидан тутиб бизга чек,

Булут орасидан бўзариб боқар.
Икки жон айридир, бу не ҳакамлик?
Дарём қирғоғи йўқ, тескари оқар.

* * *

*Unser Schicksal verläuft zwischen zwei Wegen –
Sowohl Osten als auch Westen können nicht die Pole
sein.*

*Der Sklave Gottes ist nicht fähig, Tribute der Liebe
zu zahlen,*

Im Liebesland sind wir nur arme Untertanen.

*Wenn Liebe, wartet der Galgen, wenn nicht – eine
tiefe Grube,*

Es ist vergeblich, zwischen zwei Polen zu stöhnen.

*Dem pollosen Verliebten erweist sogar der Bettler
keine Achtung,*

*Wann wurden die Verrückten vom König je freundlich
behandelt?*

Schlotternd blickt die vom Dämon befallene Welt,

Brennt dir Tränen aus und trinkt dein Blut.

Selbst die Sonne schaut stöhnend auf uns.

Und erbleicht zwischen den Wolken.

*Zwei Seelen sind geschieden, welche Dramaturgie
ist das?*

*Uferlos ist mein Fluss und fließt in die falsche
Richtung.*



Барча душманларинг дўст тутар ўзин,
Балки, сени марҳум санарми, Ўроз.
Онаси ўлганда йиғламаган, боз
Қайғули ёш билан тикади кўзин.

Ер ташвиши сенга қолгандай нечун,
Кўкка қулоғингни тутасан хуш соз.
Истак ўқи бўлиб этурми парвоз,
Кўрсиз кулда кўрса гўзаллик ҳуснин.

Гурбатда фароғат топгандек жунун,
Гавҳар жилосида сўнгандир фусун.
На юлдуз шуъласи тута олур ўт,

На кўк баётига бўлгунг харидор.
Сўнгни илинжда ҳам сўнмаса умид,
Ишончу меҳрда яшашга йўл бор.



*Alle deine Feinde halten sich für Freunde,
Vielleicht halt man dich auch für verstorben, Öroz.
Sie weinten nicht einmal beim Tod ihrer Mutter,
Und jetzt blicken sie dich an mit bitteren Tränen.*

*Als ob du dich sorgtest um die ganze Erde,
Lauschest du immer dem Himmel so.
Wird denn die Kugel des Willens fliegen,
Wenn sie in der Asche Glut die Pracht der Schönheit
sieht.*

*Als ob Verrückte in der Fremde Ruhe hätten,
Ist doch der Zauber im Glanz der Perle vorbei.
Weder das Sternenlicht kann dich erwärmen,*

*Noch kannst du Käufer für Himmels Melodien
werden.*

*Mit Liebe und Vertrauen kann man leben,
Wenn man die letzte Hoffnung nicht aufgegeben.*

* * *

Бир кунки паймонанг тўлади барҳақ,
Ҳаётга келиш-у, кетишлик бор гап.
Тириклик дайрида барчамиз салаф,
Бир тишлам нонини аямайди Ҳақ.

Од қавми маҳв бўлгач, ер юзидан, нақ,
Ер оғиб кетмаган сўл ё ўнг тараф.
Тоғлар ордан ерга чўкмаган, ё Раб,
Оби раҳмат оққан кўкдан муҳаққак.

Демакки, яшаш бу – Ҳақнинг рағбати,
Кўзни ўзга солмоқ дил марҳамати.
Мабодо кўзгунгда рақс этса соя,

Олам кулдан бунёд баланд уюмдир.
Ўзлигингга фақат руҳ бўлур моя,
Вужуд ҳар ким кийган эски буюмдир.

* * *

*Eines Tages wird dein Maß voll sein,
Geburt und Tod umspannen das
Menschenschicksal.*

*Bei Lebzeiten sind wir alle vergänglich,
die Kraft zu existieren gibt uns nur der Gott.*

*Als die Menschheit einstmals von der Erde
verschwand,
Hat sich die Erde nicht geneigt.
Auch die Berge versanken nicht, o Gott,
Wohltuendes Wasser regnete vom Himmel herab.*

*Das Leben ist also, Anreiz Gottes,
Seelengnade ist Selbstanalyse.
Falls in deinem Spiegel der Schatten tanzt,*

*Die Welt ist ein hoher Aschenhaufen.
Nur der Geist wird Kern für Identität,
Existenz ist ein altes Ding, das jedermann
verhüllt.*

* * *

Сўфитўрғай кўкда титрар муаллақ,
Кўёш оташида кўйиб қаноти.
Унга қолгандайин ер-кўк ҳаёти,
Жонли соябонман дер ўйлаб мутлақ.

Соясида замин жон сақлар, барҳақ,
Кенглик мудрар уфққа арғамчи отиб.
Кўкни кўтармакка етмай саботи,
Жимит қанотларин қоқар муҳаққак.

Асрий орзулардан жунбушга тушар,
Лек замин меҳридан янада жўшар.
Эзгуликнинг эрка жимит посбони

Чақмоқ тангрисидан тиламас нажот.
Титроқ елкасига тутиб Осмонни,
У парвозга мангу йўл очгай озод.

* * *

*Die Schopflerche schwebt am Himmel,
Ihre Flügel glühen in der Sonnenflamme.
Als ob Erden- und Himmelsleben von ihr abhängen,
Halt sich für einen lebendigen Fixstern.*

*Heil und ganz bleibt die Erde in ihrem Schatten,
Die Weite schlummert – wirft den Strick an den Horizont.
Ihr fehlt Beharrlichkeit, den Himmel zu erheben,
Und schlägt mit ihren winzig kleinen Flügeln.*

*Gerät von Jahrhundertealten Träumen in Erregung,
Doch von der Erdenliebe mehr begeistert,
Wünscht von dem Gott des Blitzes keine Erlösung*

*Die verwöhnte Kleine – Wächterin des Guten.
Auf ihren zitternden Schultern hält sie den Himmel,
Und bricht sich ewige Bahn zum Aufstieg.*



Ўчоқда ўт ёнар, қайнамас қозон,
Дарё жуда серсув, окмайди аммо.
Тоғлар жиловсизу, жилолмас, оббо,
Чақмоқ минг бор чақнар, ёнмайди осмон.

Тундлик тўри банди этса ногаҳон,
Қуёш кўзгусидан таралмас жило.
Булутлар лашкари жилолмай, илла
Кўшин тортолмайди уфққа томон.

Кўзгуда сўнадир фалак чехраси,
Сурмадан қорадир олам теграси.
Гуллар зардасидан жонталошда қалб,

Денгиз нафас олмас, тушовдадир ел.
Сен келдинг, ярқ этди кўзгу нур тараб,
Илк бора ҳаводан нафас олди эл.



*Im Herd brennt es, dennoch kocht es nicht im Kessel,
Der Fluss ist wasserreich, aber er fließt nicht.
Ungebunden sind die Berge, jedoch bewegen sie sich
nicht,
Es blitzt tausendmal, brennt der Himmel nicht.*

*Wenn das Garn der Grobheit gefangen nimmt, jah,
Strahlt die Sonne keinen Glanz mehr aus.
Und das Heer von Wolken kann nicht ziehen
In Richtung des Horizonts.*

*Im Spiegel erlischt des Himmels Anlitz,
Es wird dunkelgrau um die Welt.
Vom Zorn der Blumen beginnt des Herzens Agonie,*

*Das Meer atmet nicht, der Wind ist gefesselt.
Du bist gekommen, der Spiegel blitzt auf,
Das Volk atmet die Luft wie zum ersten Mal.*

* * *

Умрида йўл қараб меҳмон кутмаган,
Хатто онасини соғинмаган кас,
Ўлик лаҳжасида суҳбатлашгай, бас...
У дўстин эшигин бир бор чертмаган.

Ҳавони қизғониб ҳава ютмаган,
Йўнилган таёқни йўнгандай абас.
Унга қуёш тутқун, Оламдир қафас,
Бамисли югурдак, иши битмаган.

Мазмунсизлик инган алифбосига,
Дастурхони қолган оёқ остида.
Соҳили йўқ унинг дарёсининг ҳам,

Гуллар кўз юмади кўрганидаёқ.
Чақмогин чақолмай, ёқолмай гулхан,
Гунгланиб тўлғонур момақалдирак.

* * *

*In seinem Leben hat er nie Gäste empfangen,
Sogar sich nach seiner Mutter nie geseht.
In toter Mundart spricht er immer,
Hat nie an die Tür des Freundes geklopft.*

*Er spart sogar die Luft und atmet kaum,
Sinnlos wie das Hobeln eines gehobelten Holzes.
Für ihn ist die Sonne Gefangene, die Welt – Käfig,
So ist er wie ein Lakai unverrichteter Dinge.*

*Inhaltslosigkeit hat sich in sein Alphabet eingeritzt,
Auch sein Tischtuch ist beschmutzt
Sowie uferlos ist sein Fluss...*

*Die Blumen schließen ihre Augen bei seinem Anblick,
Er kann nicht blitzen, kein Feuer anzünden,
Taubstumm krümmt sich der Donner.*

* * *

Қайга йўл олайин, йўлчим, йўл кўрсат,
Барча нотаниш йўл менга танишдир.
Кўрганим, билганим, наҳотки, тушдир,
Огоҳ кўнғироғи – ҳар ўтган фурсат.

Таш қопнинг ичида яшабман фақат,
Табассуминг тошдай тегади бир-бир.
Тоғларни хивичдай эгади, ахир,
Қай манзилга кўнсам манзилим – ғурбат.

Пошшони пашша деб айтган қул каби
Интиқом қаҳридан ёнмадим ҳали.
Наҳот менинг йўлим марҳумнинг йўли–

Манзилга тобутсиз бўлмаса етиб!
Йўлсизлар йўл топмай, силкитиб қўлин,
Арсат чоҳида қолармиш йитиб.



*O mein Wegbegleiter, zeige mir den Weg,
Alle unbekanntten Wege sind mir bekannt.
Ist denn alles Traum, was ich gesehen und erlebt,
Der Wachsamkeit Glocke – jede versäumte
Gelegenheit.*

*Im Steinsack habe ich nur gelebt,
Auch dein Lächeln berührt wie ein Stein.
Und beugt die Berge wie eine Rute,
Wo auch ich abgestiegen – Fremde und Gram.*

*Wie ein Sklave, der den König mit Fliege
verglichen,
Vor Wut der Rache bin ich noch nicht gebrannt.
Ist denn mein Weg – Weg eines Toten –*

*Ohne Sarg kann man doch das Ziel nicht erreichen!
Weglose winken nur mit der Hand,
Verschwinden in der tiefen Grube des Scheidewegs.*

* * *

Кўзларим очиг-у, сўқирдир, аммо,
Ложувард осмоним зимистондир бир.
Аёзнинг қаҳридан қорларим эрир,
Самум нафасидан музлайди ҳаво.

Мен ҳавода учиб юрибман гўё,
Оёқ кўйгудайин ерда жой йўқдир.
Эвоҳ, фариштамнинг нигоҳи ўқдир,
Ҳар заррада борим талош, бенаво.

Орзу қотилиман – умидсиз банда,
Йўлим ёритолмай Ой ҳам шарманда.
Шамол эса олмай паришонхотир

Кўройдин тўридан тўқийди ўлан.
Тун – аждар, оғзидан ёйилаётир
Ер- кўкни чирмаган қоп-қора гулхан.

* * *

*Meine Augen sind offen, aber blind,
Stockfinster ist mein lasurfarbener Himmel.
Vor der Kälte Wut taut mein Schnee,
Der Samum* lasst es gefrieren.*

*Mir scheint, dass ich fliege,
Auf Erden gibt 's keinen Platz für mich, um Fuß
zu fassen.*

*Ach, meines Engels Blick ist wie ein Pfeil,
In jedem Kornchen ist mein Elend
eingeschlossen.*

*Ich bin der Mörder der Träume – ein
hoffnungsloser Sklave,
Auch der Mond schämt sich, mir den Weg erhellen
nicht zu können.
Und der Wind bleibt mir teilnahmslos,*

*Heult wie ein Wolf im blassen Mondschein.
Die Nacht – Drache, aus seinem Rachen
Verbreitet sich wie pechscharzes Feuer, das
Erde und Himmel erfasst.*

*Samum – warmer, trockener Wind.

* * *

Сиздан узоқлашсам йўқотгум йўлим,
Яширингум келур ўзимдан ҳатто.
Жойимдан жилмайин қилурман хато,
Кимларнинг қўлинда мен суйган гулим.

Йўлсизни чорлайди чарх уриб Ўлим,
Қуёш ҳам қузгундек қонсирар – юҳо.
Беморнинг кулгуси ҳавас қўзғар, о,
Шодликдан йиғлар у, ғамдан кулар жим.

Оҳ, гулим, тиф тегмай, дилим тилинур,
Хур нафасингизда яшагум келур.
Нафасингиз Ишққа бахш этур қудрат,

Жаҳаннам қўрида кўкаргай чечак.
Мудроқ кенгликларга зухурлаб ҳиддат,
Қуёш ҳайқириғи кўкни тутажак.

* * *

*Wenn ich mich von Ihnen fernhalte, verliere ich
meinen Weg,
Möchte mich sogar vor mir selbst verstecken.
Ich mache schon einen Fehler, ehe ich mich bewege,
Irgendjemand verfügt über meine liebe Blume.*

*Einem Weglosen ruft der Tod zu,
Auch die Sonne wird blutdürstig.
Es ist entzückend, dass der Kranke lacht,
Er weint vor Freude und lacht über sein Leid.*

*Oh, liebe Blume, meine Seele ist zerschnitten ohne
eines Messers Schneide,
In Ihrem freien Atem möchte ich leben.
Denn Ihr Atem gibt der Liebe Kraft,*

*Dass in der Glut der Holle eine Blume wachsen
kann.
Die schlummernden Weiten und den Himmel
Wird der Sonne Ruf mit Ungestüm erfassen.*

* * *

Кўй, йиғлама, гулим, энди сен учун
Майли, тўйиб-тўйиб йиғласин Осмон.
Ишқисизларга мудом яшамак осон,
Айтгил, муҳаббатсиз кунми ўтган кун?

Йўл бошида турган йўлчидек нигун
Кутасан бесада йўл қараб ҳар он.
Кўкда ой шуъласин сочур паришон,
Бошинг узра секин ёруғлашар тун.

Кўй, йиғлама, гулим, дарёдай тўлиб,
Фақат тингла мени қуёшдай кулиб.
Улуғ қалб Каъбаси – азал маяси

Хатто сийратингга бахш этсин ҳусн.
Шунда куйдиргайдир ҳуснинг сояси
Соҳир Ишқ узугин ўтли жодусин.

* * *

*Weine nicht mehr, du, meine Blume,
Möge jetzt für dich der Himmel sich ausweinen.
Für den Lieblosen ist 's immer leicht zu leben,
Sag mal, was ist das, ein Tag ohne Liebe?*

*Wie ein Wanderer am Anfang des Weges,
Wartest du wortlos und stumm.
Am Himmel scheint ein mattes Mondlicht,
Über deinem Kopf erhellt sich die Nacht.*

*Weine nicht mehr, du, meine Blume,
Hör nur mir zu, wie die Sonne lacht.
Großen Herzens Heiligtum – der Ewigkeit Kern.*

*Möge dies auch dein Inneres schmücken.
Dann verbrennt deiner Schönheit Schatten,
Die feurige Magie des Rings zauberhafter Liebe.*

* * *

Хижолат чекаман муқим яшашдан,
Балки турғунликнинг ҳосиласи бу.
Излайман ё ернинг тилини, ёҳу,
Борлиқ марҳаматин ё олмайман тан.

Кўнглимга қайсар Рум яқин Марвдан,
Ёдимда Атилла қамчисин зарби.
Пайғамбар каломин нурли ҳар ҳарфи—
Эзгулик ялови, пайдо оташдан.

О, кўҳна Осиё елкангда бедор,
Чўпон таёғидан қолган муҳр бор.
Барча кўргиликка доясан ўзинг,

Гўдак нафасидан тин олгунг, бироқ.
Қуёш соясидан излаб-да изинг,
Энг кичик заррада чалгунг қўнғироқ.

* * *

*Ich bin verlegen, immer sesshaft zu leben,
Es ist vielleicht des Stillstands Ergebnis.
Entweder suche ich nach der Sprache der Erde
Oder erkenne nicht die Gnade des Weltalls.*

*Meiner Seele ist näher das starrköpfige Rom als Marw,
Ich erinnere mich an den Schlag der Peitsche Attilas.
Strahlend ist jeder Buchstabe im Worte des Propheten –
Entstanden aus der Flamme – Fahne des Guten.*

*O, uraltes Asien, auf deiner Schulter
Gibt 's das Siegel des Hirtenstocks.
Du bist selbst Hebamme für das Schicksal,*

*Holst doch Luft vom Atem des Säuglings.
Suchst nach deiner Spur im Schatten der Sonne,
Im winzigsten Körnchen schlägt die Glocke an.*

* * *

Ювуксиз дунёни севасан нечун?
Сарпо деб биласан кафанлигини.
Марҳаматга йўйгунг камандлигини,
Наҳот шул рағбатдир яшашинг учун.

Киборона боққунг атрофга сузгун:
Унутиб ҳаётнинг чаманлигини,
Ҳар ўтган онингни маҳзанлигини
Йўқликка кишанлаб, маҳв этиб бутун.

Ориятсиз банда ҳуқуқсиз бир қул,
Қиморга тикади бошпанасин ул.
Алвастига менгзаб онасин қувгай,

Ота қарғишини дуо билгай—чин.
Кимки бу дунёдан қўлини ювгай,
Идрокда жамласа уммон қудратин.

* * *

*Warum liebst du diese sündhafte Welt?
Ihr Leichengewand hältst du fürs Hochzeitskleid.
Und als Gnade deutest du ihre WurfSchlinge,
Ist das denn Anreiz für dein Leben?*

*Hochmütig blickst du umher:
Vergisst, dass das Leben ein Blumengarten ist.
Und einen jeden trostlosen Augenblick
Fesselst du ans Nichts und bist ganz vernichtet.*

*Der Ehrlose ist ein rechtloser Sklave,
Er setzt sein Obdach aufs Hasardspiel.
Seine Mutter vergleichend mit einer Hexe,*

*Hält für Segen den Fluch seines Vaters.
Wer sammelt in Vernunft des Ozeans Macht,
Lässt seine Hände von dieser Welt.*

* * *

Айтинг, у гўзал ким? Кутмакда кимни
Олис саркаш денгиз соҳилида жим.
Қўлларида нечун рўмоли фиким,
Эшитмайди асло менинг оҳимни.

Ҳаёт деб аталмиш менинг чоҳимни
Ёритиб ўйнайди зулфида нўжум.
Икки кўзи жонга қиладир ҳужум,
У айда кўрсатиб қалбим доғини.

Ким экан у? Кезар соҳилда танҳо,
Оппоқ тўлқинлардан тинглайди наво.
Ҳурми, сув париси эканмикин ё,

Нечун ўз ёрини денгиздан излар.
Айрилиқда ёниб ҳар соҳилда, о,
Пайдо бўлар... яна... чорлар ва бўзлар.

* * *

*Sagen Sie mal, wer ist diese Schöne?
Auf wen wartet sie am fernen Meeresufer.
Warum ist ihr Tuch so zerknittert,
Sie hört ja gar nicht mein Stöhnen.*

*Die tiefe Grube, die mein Leben heißt,
Widerspiegeln die Sterne in ihrer Locke.
Ihre zwei Augen sind Herzensdiebe,
Meinen Herzensfleck zeigend auf dem Mond.*

*Wer mag sie sein? Wandert am Ufer alleine,
Und spricht weißen Wellen ihr Leid zu.
Huri, Fee oder Wassernymphe,*

*Warum sucht sie ihren Geliebten im Meer,
verzweifelt vor Trennung und taucht auf
An jedem Ufer... wieder und weint bitterlich.*



Риндлик чамбариди тўлғонганда жон,
Қаҳқашон этаги силкинур бесас.
Тамшаниб қўяди ҳар юлдуз сармаст,
Ҳатто музликларга кўчар ҳаяжон.

Оғир-оғир нафас олади осмон,
Мисли фалажланган хастадек лоҳас.
Тоғлар ҳам ўрнидан қўзғалди, хуллас,
Тонг оппоқ кафанин кўз-кўзлаган он.

Нақадар ўйинчи азалдан дунё,
Қамчисинда ўйнар макр ва риё.
Алданган орзуда заҳаролуд кин,

Серишва порлайди, қалб топмас таскин.
Саодат қўшиғин куйламас маҳкум,
Чунки қалби риё, макрдан маҳрум.



*Wenn im Kreise der Zecher sich die Seele krümmt,
Schüttelt sich der Galaxis Rand sprachlos.
Berauscht klingt jeder Stern,
Sogar die Gletscher werden erweckt.*

*Schwer atmet auch der Himmel,
Wie ein gelahmter Kranker.
Selbst die Berge setzen sich in Bewegung,
Sobald der Morgen sein schneeweißes
Leichengewand zur Schau stellt.*

*Solch eine Spielerin ist die Welt von alters her,
Ihre Peitsche ist Heuchelei und Tücke.
Im verlogenen Traum strahlt geziert*

*Bittere Bosheit, kein Trost fürs Herz.
Der Verurteilte singt kein falsches Glückslied,
Denn sein Herz schlägt
Ohne Tücke und Heuchelei.*



Эй, кўнгил диёрин мард паҳлавони,
Идрок жавҳарини тергувчи аълам.
Ҳуқуқсиз севгидан чекиб-да алам,
Токай тўлагайсан Кўкнинг тавонин.

Этагин тутурсан тўртта томонни,
Интиқом маъбудин уйғотиб бул дам.
Гофиллар дайрининг қар тўдаси ҳам,
Сенинг паноҳингда ёқлар ёлғонни.

Шабнам оташида туғилгай қуёш,
Музлар эригайдир тўкканингда ёш —
Сув тубида тошлар ўйинга тушур,

Само раққосаси ҳайратдан беҳуш.
Чечаклар розидан бўлоқдай жўшур,
Майин ханда отиб, тошлар кўриб туш.



*He, mutiger Held der Seele,
Scharia-Kenner, das Juwel der Vernunft sammelnd.
Wann wirst du den Schaden des Himmels ersetzen,
Da du an rechtloser Liebe gelitten.*

*Packst alle vier Seiten an den Rockschoßen,
Erweckst den Gott der Rache.
Auch die Masse der Unkundigen,
Verteidigt die Lüge unter deinem Schutz.*

*In des Taues Flamme wird die Sonne geboren,
Deine Tränen lassen selbst das Eis schmelzen –
Und die Steine tanzen im Wasser,*

*Verwundert fällt des Himmels Tänzerin in Ohnmacht.
Wie das Quellwasser sprudelt vom Geheimnis der
Wasserpflanzen,
Sanft lächeln und träumen jetzt auch die Steine.*

ВАҚТ ИЗТИРОБИ

Шеърлар

БУРЧ

Бурч — икки нуқтани
Туташтирувчи тўғри чизикдир.
Баъзида боши берк кўчага ўхшар,
Боши айланган одамдай
айланиб боши
жўрттага урар тўсиққа ўзин.
Ўзини кўчада учратган киши
Таъзим этган каби кўланкасига
Соҳибини танитай ёнидан ўтганида Бурч,
Дув қизариб кетар боладай
Боладай у ачинишни билмас лек,
Қайғурмайди қайғу чоҳи узра
Узала тушиб ҳансираётган Соҳибига.
Бурч — алдашни билмаган,
Алданишдан чўчимаган,
Соҳибига ўзидан-да ортиқ содиқ қул.
Икки нуқта орасида
Борсақелмас оролдир Бурч.

1991

DER ZEIT LEIDEN

Gedichte

PFLICHT

*Pflicht – eine gerade Linie,
Die zwei Punkte vereint.
Ähnt manchmal einer Sackgasse,
Wie ein Mensch, dem es schwindlig ist,
Taumelt und stößt sich
Gegen das Hindernis absichtlich.
Wie ein Mensch, der sich
Auf der Strasse selbst begegnet
Und sich verbeugt vor seinem Schatten.
Wenn die Pflicht
An ihrem Herrn vorbeigeht
Ohne ihn zu erkennen,
Errotet sie mit einem Mal
Wie ein Kind. Aber kennt kein Mitleid
Wie das Kind.
Kümmert sich nicht um ihren Herrn,
Welcher sich ausstreckend
Über der tiefen Grube der Trauer
Den Atem verliert.
Pflicht – ihrem Herrn ergebener Sklave,
Der nicht lügen kann
Und sich nicht fürchtet
Belogen zu werden.*

*Zwischen zwei Punkten
Ist die Pflicht eine Insel,
Von der es keine Rückkehr gibt.*

1991

* * *

Тун шоирлар ёзган марсия,
Ҳар бир юлдуз мотам шамидир.
Тонг номуси топталган қиз-у
Шом оловда ёнаётган тақдир.

Шундай рангда кўряпман, нетай,
Чунки менга сирлидир олам.
Ўзгаларни севолсин қандай,
Ўзин сева билмаган одам.

1995

* * *

*Die Nacht ist ein Trauergesang,
Verfasst von den Dichtern.
Jeder Stern eine Trauer Kerze.
Der Morgen ein entehrtes Mädchen,
Im Feuer der Dämmerung brennendes Los.*

*Mit solcher Farbe sehe ich, was zu tun,
Denn die Welt ist mir ein Geheimnis.
Wie kann einer die anderen lieben
Wenn er sich selbst zu lieben nicht weiß.*

1995

ТУН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ой тангасин йўқотган кўкда,
Сўниб борар юлдузлар шами.
Тун қайғули адашган қиздай,
Келмас унга ҳеч кимнинг раҳми.

Тентирайди тун бўйи шамол
Боғлар оша ҳаллослаб олис.
Деразага суйкалиб беҳол
Ниманидир ахтарар маъюс.

Йўқотгандир ранглар либосин,
Дилисиёҳ сойлар титрар жим.
Саф тортганча дарахтлар сассиз,
Зулмат сари бошлайди ҳужум.

Тун қувғинди, бесар изғийди,
Минг асрким ухлამас сира.
Кимдир ёқиб юборган уйин,
У зулматдан бошпана сўрар.

NACHTLIED

*Am Himmel, wo der Mond seine Münze verloren,
Erlischt das Kerzenlicht der Sterne.
Es tut niemandem leid um die Nacht,
Die traurig wie ein verirrtes Mädchen ist.*

*Die Nacht über heult der Wind
Durch die Gärten schwer atmend.
Schwach reibt er sich am Fenster
Und bleibt suchend trostlos.*

*Die Farben haben ihre Pracht verloren,
Düstere Bäche zittern stumm.
Lautlos haben sich die Bäume aufgestellt,
Und recken sich gegen das Dunkel.*

*Die Nacht ist eine Verbannte, eilt ruhelos dahin,
Seit tausend Jahrhunderten schläft sie nicht.
Jemand scheint ihr Haus zerstört zu haben,
Um Obdach bittet sie die Finsternis.*

* * *

Шамол, бир эртақ ўқи!
Ойбек

Шамол, йиғла сочимда,
Сочим кундузнинг акси.
Осмон қўнар бошимга,
Кўзимда ойнанинг рақси.

Қайтиб улкан шаштидан
Тиз чўксин пойингда тоғ.
Хазонлар титрашидан
Куйласин кўксимда боғ.

Қуёшнинг саватидан
Бойчечаклар сочилсин.
Юрак ёруғ севгидан
Атиргулдек очилсин.

Шамол, куйла кўзимда!

1980

Wind, lies ein Märchen vor!

Oibek

*Wind, weine in meinem Haar,
Mein Haar ist des Tages Widerspiegelung.
Der Himmel legt sich auf mein Haupt,
In meinen Augen tanzt der Mond.*

*Möge sich der Berg beruhigen
Und verbeugen vor dir.
Möge der Garten singen in meiner Brust
Vom Klingen des Blätterfalls.*

*Mögen aus dem Fullhorn der Sonne
Die Schneeglöckchen überschüttet werden.
Möge das Herz aus heller Liebe
Wie eine Rose aufblühen.*

Wind, sing in meinen Augen!

1980

ДУНЁ

Қиморга тикилган гаровмас Ҳаёт,
Бахт-қайғу улашган ҳар касга, тўғри.
Қотил санамаган ўзини жаллод,
Ўғри ҳам ўзини демайди ўғри.

Қулбачча Эзопдек гувраниб турсам,
Бу ожиз ҳолимдан кулмагил асло.
Ҳеч қачон тугалмас инсон қисмати,
Тугал яратмаган сени ҳам Дунё

DIE WELT

*Das Leben ist nicht ein
Aufs Hasardspiel gesetztes Unterpfand
Glück und Trauer verteilt es an jeden.
Der Henker hält sich nicht für einen Morder,
Der Dieb empfindet sich nicht als Dieb.*

*Wenn ich stammle wie Sklavensohn Asop,
Will ich mein Schicksal nicht ins Lächerliche ziehen.
Niemals vollkommen ist das Menschenlos,
Auch dich hat die Welt
Nicht vollkommen erschaffen.*

1980

АРМОН

Мендан йиллар кетибди ўзиб,
Ў, қайдасан бу кун, карвоним.
Кўнгил ётур тупроқдай тўзиб,
Тобут эрур қурган нарвоним.

Бобом отин қозиғи бўм-бўш,
Ўт қоплаган босган изимни.
О, наҳотки бариси ўтмиш,
Лов-лов ёқур ёдим кўксимни.

Йиллар—қўрқоқ, йиллар – алдамчи,
Алдайвериб чарчамас сира.
Қумсоатдай умринг тўкар жим,
Ўтирмайди ўзингдан сўраб.

Кексайиш ҳам аслида бахтдир,
Ул ёшлиқдан туғилган армон.
Умр — чўлда адашиб охир
Карвонига дуч келган сарбон.

BEDAUERN

*Die Jahre haben mich überholt,
O, wo bist du heute, meine Karawane.
Die Seele ist verstreut wie der Staub,
Zum Sarg wurde die Leiter, die ich gebaut.*

*Leer ist der Pfahl meines Großvaters Pferd,
Meine Spuren sind grabbewachsen.
O, ist denn alles schon Vergangenheit,
Obwohl die Erinnerung lodert in meiner Brust.*

*Jahre – Feiglinge, Jahre – Lügner
Nie sind sie müde zu betrügen.
Wie eine Sanduhr schüttet sich dein Leben aus,
Dich fragt man nicht danach.*

*Auch das Alterwerden ist eigentlich Glück,
Ein unerfüllter Wunsch von Jugend an.
Das Leben – ein Karawanenführer, der oft
Geirrt, endlich seiner Karawane begegnet.*

1995

СЎЗ

Сўз қуш эмас, заминдан оғир,
Аммо парвоз этиши мумкин.
Осмон унинг ёлғиз қаноти,
Замин эса чеҳраси унинг.

Сўз шундайин сахий ва ҳотам,
Фалак тошин бетиф тарайди.
У оламга боққанида ҳам,
Қуёш кўзи билан қарайди.

DAS WORT

*Das Wort kein Vogel, sondern schwerer als Erde,
Jedoch kann es fliegen.
Sein einziger Flügel der Himmel,
Und die Erde – sein Gesicht.*

*So freigebig und großherzig ist das Wort,
Ohne Scharfe verstreut es des Weltalls Sterne.
Wenn es auch in die Welt blickt,
Blickt es immer mit den Augen der Sonne.*

ЁЛҒИЗЛИҚДА

Ёлғизлик—мустақилликдир.

Ҳ.Ҳессе

Ахир мустақилман, тортгил қўлингни,
Энди пилигимни кўтаргум ўзим.
Ўзимга илк бора тушгандай кўзим,
Йўллардан сўрадим йўлимни.

Мен шеър ёзганимда кимдир тепамдан
Милтиқ ўқталару илжаяр беун.
Хатто ёлғизлик ҳам кўрқади ундан,
Ўз эркин сотади омон қолиш-чун.

Демак, осмондаги қуёшга кулма,
Қуёш мингникидир, у сеникимас.
Асло юрагингни учирма қилма,
Ёлғизлик ҳам тўлиқ мустақил эмас.

1989

IN DER EINSAMKEIT

*Einsamkeit ist Unabhängigkeit.
H. Hesse*

*Ich bin doch unabhängig, Hände weg!
Mein Licht werde ich aus eigener Kraft erhöhen.
Als ob ich mich selbst zum ersten Mal erblickt hätte,
Habe ich die Wege nach meinem Weg gefragt.*

*Wenn ich Gedichte schreibe, so über mir Vertrautes
Richtet das Gewehr gegen mich und staunt sprachlos.
Sogar die Einsamkeit hat Angst vor ihm,
Verkauft ihre Freiheit, um am Leben zu bleiben.*

*Also, die Sonne am Himmel nicht verlachen.
Die Sonne gehört den Tausenden, nicht nur dir.
Und halte dein Herz im Zaum,
Auch die Einsamkeit ist nicht völlig selbständig.*

1989

МУҲАББАТ

Нуқул интилибман сен сари, билсам,
Қайтиш чоғида ҳам сенга қайтибман.
Устимдан кулибман кулганимда ҳам,
Эски қўшиғимни такрар айтибман.

Нега мақтандим-а мен телба, овсар,
Нега ўз боғимга тош отдим доим.
Эшигин очмади бир бора кавсар,
Ортимдан хўп қўлди қиёмат қоим.

Олдимда не кутар билмайман ҳали,
Ўзимча ҳали не қўшиқ айтаман.
Яна сен саридир интилиш гали,
Қайтиш чоғида ҳам сенга қайтаман.

DIE LIEBE

*Ich strebte immer zu dir, soweit ich denken kann,
Wirklich zu dir zurückzukehren auch bei der Rückkehr.
Mich selbst habe ich stets ausgelacht, wenn ich lachte,
Und mein altes Lied wiederholt gesungen.*

*Warum habe ich, Irrsinniger, Tolpel, mich gerühmt,
Warum in meinen eigenen Garten Steine geworfen.
Die Tür zum Paradiesquell hat sich nie geöffnet,
Im Gegenteil, hinter mir ward die Hölle los.*

*Was steht mir bevor, weiß ich nicht,
Und was für Lieder müsste ich noch singen.
Aber wieder und wieder werde ich zu dir streben,
Zu dir zurückzukehren auch bei der Rückkehr.*

2003

ТУН ФУҚАРОСИ

Ой — тун фуқароси,
Ўғай кўз билан қараманг унга.
Сўзларидир
Қичқираётган юлдузлар.
Сочилаётир товушсиз жаранг
Ойдинлик элагидан.
Туннинг сочлари оппоқ,
Урушдан қайтмаган аскар
Онасининг сочлари каби.
Тиқилар нигоҳсиз,
Қуюқ туман ичра
Кетаётган одамдай мунгли ва нолон.

DER NACHT UNTERTAN

*Mond – der Nacht Untertan,
Erniedrigt ihn nicht.
Seine Worte sind
Rufende Sterne.
Aus dem Sieb der Helligkeit
Wird stimmloser Klang verschüttet.
Schneeweiß sind die Haare der Nacht,
Wie die Haare der Mutter
Des Soldaten, der vom Kriege
nicht zurückgekehrt.
Blickt blicklos,
Stöhnend und traurig
Wie der Mensch, der
Geht im dicken Nebel.*

ТАСАЛЛИ

Лайқолатма энди сувимни,
Тиндиргунча эллик йил кутдим.
Дунё кўлингда қолса ҳам
Ўшқирма, жоним.
Ютуқ чиқса чиптамга агар,
Албатта, ютуқ сеники.
Сеники, барча бахтли рақамлар
Ва қор, ёмғир, яшаш завқи ҳам.
Менга етар,
Умримдан ортиб ҳам қолар –
Сен севган нарсаларни севиш.

DER TROST

*Trübe mein Wasser nicht,
Fünzig Jahre habe ich gewartet,
Bis es sich wieder klarte.
Schreie mich nicht an, meine Liebe,
Die Welt wird immer in deinen Händen bleiben.
Aber falls meine Karte gewinnt,
Wird der Gewinn natürlich dir gehören.
Dir gehören alle Glückszahlen
Der Schnee, der Regen sowie alle Lebensfreude.
Mir wird 's reichen
Und Überfluss sein in meinem Leben –
Dinge zu lieben, die du liebtest.*

ҚУМОДАМ

Кунлар менинг ёқамдан тутди,
Қулоғимга шивирлади, бас.
Айт, ҳаётда сени ким кутди,
Ким қаршингда йиғлаган элас.

Сув тутганми беморлигингда,
Чироғингни ёққанми бир бор.
Оғзи қумга тўла, эй одам,
Юрагингда чинқирар оч мор.

Оч илонга айланди кунлар,
Ўтган куним қилур тановул.
Лек ухлмас мен билан тунлар,
Мангу уйқу билмас ясовул.

Мени шундай сийлади тақдир,
Тирнамангиз дедим ярамни.
Ва айтишга улгурдим базўр
Уйғотмангиз ўлган одамни.

1997

DER SANDMANN

*Die Tage haben mich am Hals gepackt,
Und mir ins Ohr geflüstert.
Sag, wer hat im Leben auf dich gewartet,
Wer hat um dich geweint.*

*Wer hat dir Wasser geholt, als du krank warst,
Dir das Licht entzündet.
He, Sandmann, den Mund voller Sand,
Hungrige Schlangen nisten in deinem Herzen.*

*In hungrige Schlangen verwandeln sich die Tage,
Und fressen meinen je vergangenen Tag.
Ja, auch die Nächte schlafen nicht mit mir,
Keinen Schlaf findet der ewige Wächter.*

*So hat mit mir das Schicksal Nachsicht geübt,
Fass mir nicht in die Wunde, sagte ich.
Und konnte mit Mühe und Not erbitten,
Den Verstorbenen nicht zu wecken.*

1997

ҚҰРҚУВ

Пашша ютган каби тимсоҳни,
Ҳамма ютиб қўйган сўзини.
Қўрқув қушин жиғилдонига,
Ҳамма ташлаб қочар ўзини.

Ўзидан қўрққан кун шу куйга тушар,
Ўзин ташлаб қочар қўрқувдан одам.

1990

ANGST

*Als ob die Fliege das Krokodil verschlungen hätte,
Haben alle ihr eigenes Wort verschluckt.
Angesichts der Angst,
Lassen alle sich fallen.*

*So benimmt sich einer,
Der sich vor sich selbst fürchtet.
Und aus Angst verlässt man sich selbst.*

1990

Ф.Г. ЛОРКА СЎЗИ

Ватаннинг бир кунига ярамадинг, Қалб
Бир кунингга ярамаган Ватан сингари.
Осуда кунларнинг тиканли саси
Қанотсиз қушларнинг қичқириғида куйиб
Кўзинг гилида қайта ниш урган каби,
Парвозга маҳтал кунлар
Умидсизликнинг чиркин илларига ўралиб
Қуёш имосидан уқчийди узо-оқ.
Осмон бир умр Ватан овлайди,
Минг асрдирки Қуёш ундан бошпана сўрар,
Инсондан бошпана сўраган Ватандек.
Йўқса, ким кўриқлагай хасу чўпини,
То абад кийинтиргай Ватанини у,
Сизу биз бўлмасак Ватан бўлмайди,
Чунки ҳар одам боласи борки,
Унинг ўзи бир Ватандир.
Ўзининг кунига яраган,
Ватаннинг ҳар кунига ярагайдир.
Ўзингнинг бир кунига ярамаган,
Ватаннинг бир кунига ярармидинг, Қалб
Бир кунингга ярамаган Ватан сингари.

1989

SO SAGTE F. G. LORCA

*Zu einem Tag der Heimat hast du nicht getaucht, Herz!
So wie die Heimat zu deinem Tag nicht taugte.
So wie das schroffe Echo der ruhigen Tage
Im Ruf flügelloser Vogel verbrannt*

*In deinen Augen wieder aufkeimend,
Die Tage, die den Flug sehnsüchtig erwarteten,
Jedoch in die kruden Fäden der Verzweiflung
Sich verwickelnd*

*Die Gesten der Sonne
Wollen sich erbrechen.
Der Himmel macht ewige Jagd auf Heimat,
Seit tausend Jahrhunderten*

*Bittet die Sonne ihn um Obdach,
So wie die Heimat den Menschen
Um Obdach bittet.
Wer würde sonst ihr Hab und Gut bewachen,*

*Auf ewig bleibt er seiner Heimat verbunden,
Fehlen wir, fehlt auch die Heimat,
Denn jedes Menschenkind
Ist selbst ein Teil der Heimat.*

*Wer zu seinem eigenen Tag taugt,
Wird zu jedem Tag der Heimat taugen.
Wenn du zu deinem eigenen Tag nicht taugst,
Wirst du zu keinem Tag der Heimat taugen, Herz!
So wie die Heimat zu keinem deiner Tage taugt.*

1989

МАВХУМЛИК

Мени төргар тонгдан мавхум фалсафа,
Тонгнинг мавхумлигин уқтириб юз бор.
Ер мавхум кўшиқдир, куюш ҳар сафар,
Мавхум шуълапардан очади рухсор.

Бўм-бўш бир тос мисол бўм-бўшдир борлик,
Бўшалган даладай мудрайди жаҳон.
Иркит булутлардан осганча ёрлик
Мавхум бир туш каби тўлғонар Осмон.

ABSTRAKTHEIT

*Abstrakte Philosophie verhort mich von morgens an,
Betont hundertmal, dass der Morgen abstrakt sei.
Erde – ein abstraktes Lied, und die Sonne formt
Aus abstraktem Licht ein Gesicht jedes Mal.*

*Wie eine völlig leere Schüssel
Ist das Weltall völlig leer.
Und wie ein ödes Feld
Schlummert die Welt.*

*Krümmt sich der Himmel,
Fahnen aus schmutzigen Wolken hangend,
Wie ein abstrakter Traum.*

УЧАЁТГАН НАРВОН

Бу нарвон кимники,
Ким қурган уни?
Қачон осилгандим,
Бир оёқдаман.
Елкамдан жўрттага тортмоқда Осмон,
Ўзимсиз ҳам шундоқ
Кўтарилмоқдаман.

Бирорта одам йўк, ерга қайт дейдиган,
Менинг кўрқувимдан титрар оломан.
Наҳот менинг дунём талош, безга,
Наҳот, еру кўксиз озод қоламан.

Мен бугун тушундим, уқдим ҳукми,
Парвозга шай турсин экан ҳар одам.
Учирма қилишар хоҳлаган пайти
Ўзидан бир оғиз сўрамасдан ҳам...

DIE FLIEGENDE LEITER

*Wessen Leiter ist das,
Wer hat sie gebaut?
Wann habe ich sie bestiegen,
Mit meinen Füßen.
An den Schultern zieht mich der Himmel,
Doch ohnehin
Steige ich empor.*

*Es gibt keinen, der sage „zurück“,
Von meiner Angst zittert die Menge.
Ist denn meine Welt so völlig herrenlos,
Bleibe ich frei ohne Erde und Himmel.*

*Heute habe ich das Urteil begriffen,
Flugbereit sollte jedermann sein.
Zu jeder beliebigen Zeit
Lasst man ihn fliegen,
Ohne ihn selber danach
Zu fragen...*

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Ўғил:

—Нега Ибн Сино қувғинда бўлган,
Сургунда қон ютган Навоий бабо?
Худбинлар, малайлар, омонда қолиб,
Қатл этилгандир ажаб, не даҳо?

Ота:

—Улар тенг сақлагай ер посангисин,
Ер бўйлаб сочиш-чун айлашган таъқиб.
Даҳолар бир жойда тўпланса агар,
Ер бир томонга кетарди оғиб.

FRAGE UND ANTWORT

SOHN:

—Weshalb war Avicenna verbannt worden,
Warum hatte Nawoi-Bobo im Exil bittere Not
erleiden müssen?

Lakaien, Selbststüchtige durften am Leben bleiben,
Seltsam, warum ward eigentlich das Genie
hingerichtet worden?

VATER:

—Von den Genies wird das Gegengewicht der
Erde aufrechterhalten.

Sie wurden verfolgt, um sie auf der Erde
gleichmäßig zu verteilen.

Weißt du, wenn man Genies an einer Stelle
versammelte,

Würde sich die Erde zur Seite neigen.

ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ

Туш ҳам бир ҳакамдир, тафтиш этажак
Ҳар не гуноҳингни яширмай зинҳор.
Фақат у ўзингга унсиз айтажак,
Отанг айтолмаган гапларни ошкор.

Гувоҳга айланар ҳар бир гуноҳинг,
Гуноҳинг сотқиндир, сени сотажак.
Сен балки ғаддорсан, балки тантисан,
Сенинг кимлигингни тушинг айтажак.

Туш – сендан аразлаб кетган эски дўст.

DER EHRLICHSTE RICHTER

*Der Traum ist ein Richter, welcher
Jede deiner Sünden revidiert.
Nur er wird dir lautlos sagen,
Was dein Vater dir offen nicht sagen konnte.*

*In eine Zeugin verwandelt sich jede deiner Sünden,
Deine Sünde wird Verräterin, sie entlarvt dich.
Du bist vielleicht treulos oder großmütig,
Wer du bist, wird dein Traum dir sagen.*

*Der Traum – alter Freund, welcher
Dir böse geworden und dich verlassen hat.*

ХУЛОСА

Бахт дегани лаззатбахш хўрак,
Эрк дегани душман тутган «тил».
Ишқ дегани олов чамбарак,
Яшамак-чи – энг қалтис ҳазил.

DIE SCHLUSSFOLGERUNG

*Glück heißt ein leckeres Essen,
Freiheit ist „Zunge“, die
Gefangengenommen vom Feind.
Liebe bedeutet „feueriger Kreis“,
Und Leben – ein böser Scherz.*

УЗОҚЛАШУВ

Узоқлашган сари —узоқдир яқин,
Якка мазор каби кўринади Ер.

Узоқлашган сари бошпанангни ҳам
Тушунгинг сағана эканлигини.

Узоқлашган сари шўрлик Муҳаббат
Мазахомуз тушдек эриш туюлар.

Узоқлашган сари... шамол юлқинар
Дарахт шохларига боғланган куйи.

Узоқлашган сари... Ёлғизлик секин
Қўлтиқтаёқ бўлиб кирар пинжинга.

Узоқлашган сари... Ой—қора танга,
Уни излаб юрар минглаб фуқара.

Узоқлашган сари... Осмон қузғундек
Юлдузларни чўкиб, қонига ботар.

Узоқлашган сари... қаримсиқ Дунё
Офтобдан яширар ажинларини.

Узоқлашган сари ўз қўналганда
Ҳамма нарса сени ташлаб кетади.

Узоқлашган сари ўзингдан бошқа
Ҳеч қачон ёнингга қайтмайди ҳеч не!

DIE ENTFREMDUNG

*Je mehr entfernt ist die Nahe,
Als einsamer Friedhof erscheint die Welt.*

*Je mehr entfernt ist dein Obdach,
Beginnst du 's als Grab zu begreifen.*

*Je mehr entfremdet Liebe ist,
Erscheint sie als hohnischer Traum.*

*Je mehr entfremdet... sucht der Wind sich loszureißen,
Mit den Ästen der Bäume verbündet.*

*Je mehr entfremdet... schmiegt sich an dich
Als Krücke die Einsamkeit.*

*Je mehr entfernt... Mond – schwarze Münze,
Gesucht von Tausenden Untertanen.*

*Je mehr entfernt... der Himmel ist, pickt
Er wie der Rabe nach den Sternen und versinkt im Blut.*

*Je mehr entfremdet... die ältliche Welt,
Versteckt sie vor der Sonne ihre Falten.*

*Je mehr entfremdet du bist in eigener Behausung,
Wirst du von allen Dingen verlassen.*

*Je mehr entfremdet du bist von dir selbst,
Niemand als du selbst kehrt zu dir zurück!*

ИККИ ОДАМ

Мен икки одамман: зоҳирим бошқа,
Ботинимда яшар бошқа бир одам.
Умр хотимасин битгандек тошга,
Нелигим, кимлигим сийратимда жам.

Фақат мен қақнусдек олов ичаман,
Ичимни куйдирса куйдирсин олов.
Зоҳиран ўзимдан дарров кечаман,
Ботиним – оловда ўсгувчи ялов.

Чиқишаолмайман балки шу сабаб,
Неча йилки ўзим билан бир ўзим.
Ахир, икки душман иккиси, ажаб,
Ўймоқчи бўлади тонг қотсам кўзим.

Четдан изламайман неки душманни,
Қаранг, иккиси-да иккита ҳакам.
Бошин қовуштирай икки душманни
Дея жон ҳалакман, мен—икки одам.

ZWEI MENSCHEN

*Ich stelle zwei Menschen dar:
Äußerlich einen, innerlich – einen anderen.
Wie ein Nachwort des Lebens am Grabstein,
Wer bin ich – das will mein Inneres sagen.*

*Wie ein Phonix trinke ich Feuer,
Möge die Flamme mich innen verbrennen.
Äußerlich setze ich mein Leben ein,
Mein Inneres – im Feuer gestähltes Banner.*

*Vielleicht aus diesem Grunde kann ich nicht
Seit Jahren mit mir selbst vertragen.
Denn die beiden sind zwei Feinde,
Seltsam, ausstechen wollen sie mir die Augen.*

*Meine Feinde suche ich nicht draußen,
Nein schaut, beide sind meine Richter.
Ich stelle zwei Menschen dar und bin bestrebt,
Zwei Feinde zu versöhnen.*

* * *

Сен гўзалсан ҳаддан ташқари,
Гар тикилсанг, кўзгу қораяр.
Кўзини чирт юмар ёш-қари,
Кенг кўчалар бирдан тораяр.

Тоғ титрайди гўзаллигиндан,
Соҳилидан айрилар дарё.
Тушим бугун келган-ов ўнгдан,
Бугун ҳамма қаршингда пайдо.

Узукка кўз қўйиш шарт эмас,
Кўз ўрнида ўзинг ярайсан.
О, шундай пайт ҳаммага, афсус,
Бемор кўзи билан қарайсан.

* * *

*Du bist außerordentlich schön,
Wenn du blickst, wird der Spiegel dunkel.
Fest schließen ihre Augen alt und jung,
Und breite Straßen werden plötzlich eng.*

*Der Berg zittert vor deiner Schönheit,
Und der Fluss verliert sein Ufer.
Heute ist mein Traum in Erfüllung gegangen,
Denn alle kommen heute dir entgegen.*

*Nicht notwendig ist es,
Im Ring den Edelstein zu fassen,
Da du selbst dem Edelstein gleichst.
O, schade, dass du in diesem Augenblick
Alle mit den Augen einer Kranken anschaust.*

* * *

Кетсам дейман узоқ ёқларга,
Юрак эса заминдек жимдир.
Қўшиқ айтгум келур боғларга,
Ахир, мени кутмоқда кимдир.

Тўр тўкийди офтоб дарёда,
Лек дарёнинг тутгани кумдир.
Юрагимда товушсиз садо,
Ахир, мени кутмоқда кимдир.

Акс-садо эрур бу ҳаёт,
Қўрғонида топганим чимдир.
Гоҳ пол этур ўзгача баёт,
Ахир, мени кутмоқда кимдир.

Дийдоримга тонглар йўл қараб,
Кўз тикканим отам, синглимдир.
Вақт қушини занжирбанд айлаб,
Ахир, мени кутмоқда кимдир.

Кимдир мени кутмоқда, ахир.

* * *

*Ich will in die Ferne aufbrechen,
Aber das Herz schweigt wie die Erde.
Möchte Lieder singen für die Lustgärten,
Jemand wartet auf mich.*

*Die Sonne flicht Netze im Fluss,
Aber der Fluss fängt nur Sand.
Stimmloses Echo in meinem Herzen,
Jemand wartet auf mich.*

*Nur ein Echo ist dieses Leben,
Nur Rasen, den ich in seiner Einfriedung fand.
Manchmal lässt ein andres Lied sprachlos sein,
Jemand wartet auf mich.*

*Morgengrauen erwartet Wiedersehen mit mir,
Hoffnung setze ich auf den Vater, die Schwester.
Den Zeitvogel in Ketten gelegt,
Jemand wartet auf mich.*

АГАР

Тоғларни чумоли судраши мумкин,
Чувалчанг йўлбарсни ютиши ҳам чин.
Момогулдиракдай силкилар бетин
Замин табассуми – баҳайбат кўчкин.

Денгиз шўр қисматидан яйрамасди,
Баргихазон янглиғ тўзмасди тушлар.
Нега сайраяпман дея сайрамасди
Агар фикрлашни ўрганса қушлар.

WENN

*Eine Ameise kann Berge versetzen,
Der Wurm kann den Tiger verschlingen.
Wie Donner schüttelt ununterbrochen,
Der Erde Lächeln – riesiger Erdrutsch.*

*Das Meer könnte sich über sein salziges
Los nicht freuen,
Wie Laub würden
Träume nicht auseinanderfallen.
Wenn die Vogel denken gelernt hätten,
Würden sie nicht singen:
Warum singen wir...*

МУСАВВИРГА

Мен кўкламни чизиб бер десам,
Чизиб бердинг хазонрез фаслин.
Япроқлардек тўкилдим шу дам,
Унда кўрдим айрилик расмин.

Нигоҳимда титради жаҳон,
Сувга тушган кўзгудай тиндим.
Бездирганди тунов саратон,
Изғиринда шафақдай сўндим.

Лов-лов ёнур боғлар ўт қалаб,
Дарахтларнинг тили тугилган.
Ихтиниб-да фалакни алдаб
Менинг каби замин тўкилган.

Толиб беринг баҳорим десам,
Учрашувга чорлашар кузни.
Йўқотганга ўхшаймиз ошнам,
Икковмиз ҳам баҳоримизни.

GESPRÄCH MIT MALER

*Habe dich gebeten, den Frühling zu malen,
Gemalt aber hast du den Herbst.
Da fiel ich wie Blätter im Augenblick,
Drin sah ich der Trennung Bild.*

*In meinem Blick zitterte die Welt,
Ich ward still wie der Spiegel im Wasser.
Schon längst machte sich der Hochsommer unbeliebt,
Im kalten Wind erlosch ich wie Sonnenuntergang.*

*Die Garten lodern in Flammen,
Und die Bäume schweigen still.
Die Erde fiel wie ich,
Bestrebt, den Himmel zu belügen.*

*Ich bat, den Frühling zu finden,
Zum Wiedersehen wurde mir der Herbst gerufen.
Beide scheinen wir, lieber Freund,
Unseren Frühling verloren zu haben.*

БОДЛЕР

Тонгда ўз шеъримни бўғиб ўлдирдим,
Тубсиз чуқурликка ирғитдим уни.
Дунё озодликка чиққан каби жим
У-узоқ керишди, юлқди юкини.

Қўлимда кишан йўқ, қотилман аммо,
Қазининг ғингшиши тегарди ғашга.
Чунки гувоҳликдан бош тортар ҳамма,
Гувоҳ топилмади ўзимдан бошқа.

1998

BODLER *

*Des Morgens früh habe ich mein Gedicht erstickt,
Und in bodenlose Tiefe geworfen.
Wie frei geworden schwieg die Welt,
Und streckte sich lang, entriss mir die Last.*

*Mir sind keine Handschellen angelegt,
Bin ich auch ein Morder, jedoch
Des Richters Verhandlung nervte mich.
Alle weigerten sich, Aussagen zu machen,
Es fand sich kein Zeuge, außer mir selbst.*

*Bodler – französischer Dichter

КЕЧИККАН ФАСЛ

Нега кечикдийкин мен кутган фасл,
Орта қайтардим биров йўлидан.
Улар кутмоқдадир қаноатда зил,
Фақат кутиш келар улар кўлидан.

Баҳор уни авраб қиларми мазах,
Ёки овутар ёз кўнғироқ чалиб.
Биламан, куз ва қиш тутмоқда аза,
Демак, бугун фаслим баридан ғалиб.

Нега ундай бўлса кечикмоқда у,
Ҳайронликдан қарахт теварак буткул.
Изтироб чекмоқда кутавериб Вақт,
Ё мени кутмоқда, мен кутган фасл.

VERSPÄTETE JAHRESZEIT

*Warum verspätet sich die Jahreszeit, die ich erwarte,
Hat jemand sie vom Wege abgebracht.
Und sie erwarten mit Ungeduld,
Nur zu erwarten sind sie imstande.*

*Ob der Frühling sie verführt und auslacht,
Oder der Sommer die Glocke schwingend tröstet.
Ich weiß, dass Herbst und Winter Trauer haben,
Also, meine Jahreszeit hat heute
Die Oberhand gewonnen über alle.*

*Wenn 's denn so ist, warum verspätet sie sich dann,
Vor Verwunderung ist alles wie gelähmt ringsum.
Die Zeit leidet unter langem Warten,
Vielleicht wartet sie auf mich die Jahreszeit, die ich
erwarte.*

ЭРКИНЛИК ХАҚИДА

Эркинлик—ўлимдан қудратли таскин,
Эркинлик—йўқсиллик йўқлиги балки.
Менинг йўқлигимга ўқиманг таҳсин,
Ранжитмас, қалбимнинг тўқлиги балки.

Эркинлик – очларнинг мудом тўқлиги,
Очиқ далангизга экажак ялов.
Эркинлик – йўқларнинг абад йўқлиги,
Нафратли кўзлардан тўкажак қалов.

Беркиниб яшайди ҳаётда кимдир,
Ғилоф тирқишидан термилиб ҳар кун.
Халқим эркинлиги менинг эркимдир,
Менинг эркинлигим халқимнинг эрки.

ÜBER DIE FREIHEIT

*Die Freiheit ist ein Stoß, mächtiger als der Tod,
Vielleicht wie das Fehlen der Armut.*

Lobt nicht mein Fehlen, Freunde

Betrübt 's nicht die Satttheit meines Herzens.

*Die Freiheit – standiges Sattsein von Hungrigen,
Auf eurem weiten Feld wird sie Fahnen saen.*

Freiheit – ewiges Fehlen von Fehlenden,

Aus hasserfüllten Augen wird sie Bosheit schütten.

Irgendjemand will verborgen bleiben,

Und starrt sie aus den Ritzen des Verborgenen an.

Meines Volkes Freiheit ist mein Wille,

Meine Freiheit – meines Volkes Willen.

Таржимон ҳақида



Мирзаали Акбаров 1955 йилда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети)нинг олмон филологияси факультетини битирган. Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

Яратган таржима асарлари орасида Халқаро Нобел мукофоти соҳиби Херманн Хессе қаламига мансуб *“Чўл бўриси”* романи ва Йоханн Вольфганг Гётенинг *“Ҳикматлар хазинаси”* (“Шарқ” НМАК 2006, 2008) ҳамда Клаус Зееҳафернинг *“Йоханн Вольфганг Гете”* номли китоби (“Янги аср авлоди”, 2011) муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, Вольфганг Борхерт, Герхард Бранстнер, Фрийдрих Кристиан Делиус, Томас Манн ва Стефан Цвайг каби олмон ҳамда олмонзабон шоир ва ёзувчиларнинг кўплаб ҳикоя, эссе, новеллаларини аслиятдан ўзбек тилига

таржима қилган. Шоир Баҳром Рўзимуҳаммад билан ҳамкорликда берлинлик ижодкор Марица Бодрожич шеърларини ўзбекчалаштирган. Адабий таржимон сифатида Австрия, Германия ва Швейцария сингари Европа мамлакатларида кўп марта ижодий сафарларда бўлган. Германиядаги Халқаро Херманн Хессе жамиятининг аъзоси.

Über den Übersetzer

Mirsali Akbarov, geboren 1955 in der Region Ferghana, Usbekistan, studierte in den 1970er Jahren am Staatlichen Pädagogischen Fremdspracheninstitut in Taschkent, der heutigen Weltsprachenuniversität.

Er war zunächst Schullehrer für Englisch und arbeitete später als Korrespondent und Abteilungsleiter für eine Zeitung.

Weitere zehn Jahre lang war Mirsali Akbarov Leiter und Chefübersetzer des Deutschen Dienstes von Radio Taschkent International (RTI).

Nunmehr ist er als freischaffender Übersetzer deutscher und deutschsprachiger Literatur tätig. Neben Kurzgeschichten und Erzählungen von Wolfgang Borchert, Friedrich Christian Delius, Stefan Zweig und Thomas Mann hat er Hermann Hesses „*Steppenwolf*“ und Johann Wolfgang Goethes „*Maximen und Reflexionen*“ ins Usbekische übersetzt.

Als freischaffender Übersetzer deutscher und deutschsprachiger Literatur war er mehrmals zum Studienaufenthalt in Deutschland, Österreich und der Schweiz. Er ist Mitglied der Internationalen Hermann-Hesse-Gesellschaft in Calw.

МУНДАРИЖА INHALT

ЗАРРАЛАР.....	14
<i>K Ö R N C H E N</i>	14
Сонетлар.....	40
<i>Sonette</i>	41
Шеърлар.....	82
<i>Gedichte</i>	83

АДАБИЙ — БАДИИЙ НАШР

Ўроз ХАЙДАР

ФАЛАК ФАВВОРАСИ

Афоризмлар, Сонетлар,

Шеърлар

Ўзбек ва немис тилида

Мухаррирлар: М.Муродов.
Ш. Куванова.
Таржимон: М. Акбаров.
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.
Мусаҳҳих: М.Муродов.
Саҳифаловчи: Ш. Холмуродова.
Муқова безакчиси: Ж. Нарқобилов.

Наشريёт лицензияси № АІ 139, 27.04.2009. Теришга 21.02.2013 йилда берилди. Босишга 16.04.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 . Офсет усулида чоп этилди. Times TAD гарнитураси. ^{1/32}Офсет қоғози. Шартли босма табағи 1,98. Нашр босма табағи 1,24. 42-2013-шартнома. 19-бўйртма. 300 нусхада. 136 бет. Эркин нарҳда.

"Насаф" нашриёти, 180118. Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй.

"Қаршиполиграфнашр" МЧЖда чоп этилди.
180118. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй.